

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚА) МАРКАЗИ**

## **“ГЕОГРАФИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ”**

**Модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчилар:**

**катта ўқит. г.ф.н. Р.А.Ибрагимова,  
доц., г.ф.н. Р.Й.Махамадалиев**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:**

**катта ўқит. г.ф.н. Р.А.Ибрагимова,  
доц., г.ф.н. Р.Й.Махамадалиев**

**Такризчилар:**

*Ўқув-услугий мажмуа ЎзМУ нинг ..... кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -  
сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	9
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	66
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	69
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	74
VII. ГЛОССАРИЙ.....	76
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	80

# І. ИШЧИДАСТУР

## КИРИШ.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. «Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» курси ўқув жараёнида табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географияга доир билимларни умумлаштириш, мазкур фанларнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган билимларни шакллантиришдан иборат. У ҳозирги табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географик фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари.**

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий тузилиши, тадқиқот объекти ва предмети, ички ривожланиш қонуниятлари, географиянинг ўрта ва олий мактабларда ўқитилиш муаммолари, амалий жиҳатлари ва аҳамиятига доир илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» **модулининг вазифалари:**

•Тингловчиларга география фанининг муаммолари хақида тасаввурларини шакллантириш ва мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

•табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши, тадқиқот объекти ва предмети, ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши муаммоларини аниқлаш;

•табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий-амалий аҳамиятини ошириш ва ушбу фан олдида турган вазифалар, долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича малакаларни ҳосил қилишдан иборат.

**Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар.**

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- табиий ва иқтисодий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари;

- табиий ва иқтисодий географиянинг ички тузилиши;

- табиий ҳамда иқтисодий географиянинг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятлари, асосий термин ва тушунчалари;

- табиий ва иқтисодий географиядаги асосий ғоя ва тушунчалар **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- табиий ва иқтисодий география доирасида илмий тадқиқотларни ташкил этишни ва бажаришни;

- табиий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва таркибини;

- умумий ва регионал табиий географиянинг асосий муаммоларини;

- ландшафтшуносликка тааллуқли муаммоли масалаларини;

- инсон - табиат муносабатларининг ва унинг оқибатларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

**Тингловчи:**

- турли табиий географик районлаштириш схемаларини таҳлил қилиш асосида табиий географик комплексларни аниқлаш;

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мақсадларида бажариладиган табиий географик районлаштириш ишларини амалга ошириш;

- табиий географик хусусиятли муаммоларни аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш;

- табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши, уларнинг ўрта ва олий мактабларда ўқитилиши ҳамда амалий аҳамиятига доир муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар чиқара олиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида такдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар

«Географиянинг ҳозирги замон муаммолари» модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар географиянинг ҳозирги замон муаммоларини чуқур ўрганадилар, табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географияга доир билимларни умумлаштириш, мазкур фанларнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган билимларни шакллантирадилар, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### Географиянинг ҳозирги замон муаммолари модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим	Кўчма машғулот
			жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмлари	4	4	2	2	-	-
2.	Географик қобикнинг чегаралари ва таркибий тузилиши	4	4	2	2	-	-
3.	Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар тизими муаммолари	4	4	2	2	-	-
4.	Ландшафт тушунчасининг	4	4	2	2	-	-

	шаклланиш ва мунозарали томонлари						
5.	Табиатдан оқилона фойдаланишнинг глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари	12	6	2	4	2	4
	Жами:	28	26	10	12	2	4

## НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу. Географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмлари

Географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмлари. Табиий географик комплексларнинг кўламлиги, катта-кичиклиги ва табиий географиянинг қисмларга бўлиниши. Умумий табиий география, регионал табиий география, ландшафтшунослик.

### 2-мавзу. Географик қобикнинг чегаралари ва таркибий тузилиши

Географик қобикнинг чегаралари ва таркибий тузилиши. Унинг геосфералари ва компонентлари. Географик қобикнинг ўзига хос бўлган энг муҳим хусусиятлари. Табиий географик комплекслар ва уларнинг умумий муаммолари.

### 3-мавзу. Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар тизими муаммолари

Табиий географик районлаштириш регионал табиий географиянинг методологик масалаларидан бири эканлиги. Табиий географик районлаштиришнинг хиллари, принциплари ва методлари. Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар тизими муаммолари.

### 4-мавзу. Ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари

Ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари. Ландшафтшуносликдаги асосий илмий йўналишлар: структуравий-генетик, функционал-динамик, антропоген, экологик, эстетик ва бошқалар.

### 5-мавзу. Табиатдан оқилона фойдаланишнинг глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик жиҳатлари. Табиатдан оқилона фойдаланишнинг глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари. Табиий географик мониторинг ва прогнозлаш. Табиий географик баҳолаш масалалари.

Умумий ва ўрта махсус, олий таълим муассасаларида географиянинг ўқитилиш масалалари. Дарслик ва ўқув кўлланимлар билан таъминланганлик даражаси.

## КЎЧМА МАШҒУЛОТ

### Кўчма машғулоти ташкил этиш шакли ва мазмуни

Кўчма машғулоти модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;

- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (аклий ҳужум, бумеранг, ФСМУ) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,9 балл**.



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

**Пинборд методи.** Пинборд инглизча сўз бўлиб, “pin” - мустаҳкамлаш, “board” – доска деган маъноларни англатади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Бу метод худди “Ақлий ҳужум” методи сингари ўтказилади, фақат билдирилган фикр ва ғоялар оғзаки эмас, балки олдиндан тайёрланиб тарқатилган қоғозчаларга лўнда қилиб ёзилиб, доскага мустаҳкамлаб қўйилади. Шу боис уни ёзма “Ақлий ҳужум” деб ҳам аташади. Унинг “Ақлий ҳужум” методидан афзаллиги шундаки, биринчидан, билдирилган фикр ва ғоялар ҳаммани кўз олдида туради, иккинчидан, фикр ва ғоялар турли хусусиятларига қараб, саралаш, даражаларга ажратиш имконини беради. Географиянинг қисмларга бўлинишини шу метод орқали ўзлаштириб, мустаҳкамлаш мумкин. Буни амалга оширишда олдиндан қоғозчаларга тармоқлар номлари ёзиб қўйилади ва улар сараланади.

2. График органайзерлар– фикрий жараёнларни кўргазмаларни тақдим этиш усул ва воситаси ҳисобланади. Улар фикрий жараёнларни визуаллаштириш ва олинган ахборотни график ифодалаш воситаси каби хусусиятларга эга.

График ташкил этувчиларни уч гуруҳга ажратилади:

1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари (Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, БББ жадвали);

2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари (Т-жадвали, Венн диаграммаси);

3. Муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари (Нима учун?, Балиқ склети, Пирамида, Нилуфар гули схемалари, Қандай? Иерархик диаграммаси, Каскад таркибий-манتيкий схемаси).

**“Кейс-стади” методи.** “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидан амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмлари

##### **РЕЖА:**

1.1. Табиий географиянинг қисмларга бўлиниши

1.2. Табиий географиянинг объекти, предмети ва вазифалари

**Таянч иборалар:** *география, табиий география, инсон географияси, гляциология, геоморфология, қирғоқлар географияси, географик қобик, географик муҳит, табиий географик комплекс, ландшафтишунослик.*

#### 1.1. Табиий географиянинг қисмларга бўлиниши

Фан техниканинг ривожланиши таъсирида кейинги йилларда география фанида туб ўзгаришлар рўй берди. Асосий эътибор инсониятни табиий ресурслар билан таъминлашга қаратилди, бу эса ўз ўрнида геоекологик муаммоларни чуқур ўрганишни тақозо этади. География фанининг ўрганиш объекти табиий географик комплекслар ва унинг таркибий қисми бўлган компонентлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли мавжуд муаммоларни ўрганишда ва уларнинг ечимини топишда география фанининг ўрни беқиёсдир.

География фани Ер юзасини ўрганиш билан шуғулланади. География грекча сўз бўлиб, *geo* “Ер” *graphein* “ёзаман”, “тасвирлайман” деган маъноларни билдиради. Географлар ернинг табиий тавсифи, унинг аҳолиси ва маданиятини ҳамда умумий доирада ернинг турли қисмлари иқлим ходисаларини ўрганади. География дунёдаги барча табиий ва антропоген жараёнлар орасидаги ўзаро алоқадарликни ўрганади. Географлар шунингдек ернинг қандайлиги, унинг иқлими ҳамда унинг ландшафтлари маданий аралашувга мос ўзгаришини кўздан кечиради.

География фани икки асосий қисмга бўлинади: табиий география ва инсон географияси. Бу икки қисм ўхшаш бўлиб, иккаласи ҳам фазовий

манзарадан (кўриниш) фойдаланади ҳамда иккаласи ҳам худудни ўрганиш ва бир худудни бошқаси билан солиштиришни ўрганади.

Табиий география атроф-муҳит характери, дарёлар, тоғлар, рельеф шакллари, об-ҳаво, иқлим, тупроқлар, ўсимликлар каби табиат ҳодисаларини ҳамда ер юзасининг бошқа табиий жиҳатларини ўрганади. У ернинг табиий қисмларига – литосфера (устки қатлам), атмосфера (ҳаво), гидросфера (сув) ва биосфера (тирик организмлар)га ҳамда бу қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка асосий эътибор қаратади.

Кейинги пайтларда табиий география доирасида қуйидаги муҳим йўналишлар ажратилади:

Геоморфология (ернинг ташқи хусусиятларини ўрганади)

Гляциология ( музликларни ўрганади)

Қирғоқлар географияси (қирғоқбўйи регионларни тадқиқ қилади)

Иқлимшунослик (иқлим ва иқлим ўзгаришларини ўрганади)

Биогеография (турлар тарқалиш қонуниятларини ўрганади).

Баъзи табиий географлар куёш системасида ернинг жойлашишини ўрганадилар. Бошқалари эса атроф-муҳит географлари бўлиб, уларнинг бир қисми табиий муҳитнинг фазовий жиҳатлари ва маданий қарашларни ўрганиш соҳасини пайдо қилди. Атроф-муҳит географияси табиий ва инсон географияси иккаласидан ҳам шуни талаб қиладики, инсонлар ўз атроф-муҳитларини ва табиий ландшафтларни яхши тушунишлари керак.

Табиий ландшафт сайёрадаги исталган бир жой табиий рельефини тасвирлаб беришда қўлланиладиган ибора ҳисобланади. Эрозия, об-ҳаво, тектоник ҳаракатлар таъсири ва сув каби табиий кучлар ернинг табиий хусусиятини шакллантирган.

Инсон географияси кишилар фаолияти ва уларнинг ер устки қисми билан ўзаро алоқасини ўрганади. Инсон географлари аҳоли, динлар, тиллар, халқлар, сиёсий тизимлар, иқтисодиёт, шаҳарлар динамикаси ҳамда инсон фаолиятининг бошқа компонентларининг тарқалишини тадқиқ қиладилар. Улар кишилар маданияти ва турли атроф-муҳит орасидаги ўзаро таъсирни ҳамда инсон манзилгоҳларининг ландшафтларда тарқалиш сабаб ва оқибатларини ўрганадилар. Одамзотнинг иқтисодий ва маданий жиҳатларида инсон географиясига асосий эътибор қаратилади, бу жиҳатларни муайян жойнинг иқтисодий ва маданий жиҳатлари билан ландшафтни тавсифламасдан ўрганиб бўлмайди.


Маданий ландшафт инсонлар томонидан ўзгартирилган ёки яратилган ер юзасининг бир қисмини ифодаловчи ибора ҳисобланади. Масалан, шаҳар маданий ландшафтлари ўз ичига бинолар, кўчалар, белгилар, автомобиллар тўхташ жойлари ёки транспорт воситаларини, қишлоқ маданий ландшафтлари эса далалар, мевали боғлар, тўсиқлар, омборхоналар ёки хўжаликларни қамраб олади. Муайян жойнинг маданий кучлари – бу дин, тил, этнос, урф-одат ёки мерос бўлиб, маълум даврда бу жой маданий ландшафтига таъсир кўрсатади.

Маданий ландшафтларнинг ранги, кўлами ва шакли (кўриниши) одатда ижтимоий меъёрлар даражасини акс эттиради. Фазовий ҳаракатлар турли

худудлар орасида маданий тафовутларни ўрганиш ва тенглаштиришга ёрдам беради<sup>1</sup>.

География бошқа табиий фанлардан ўзининг асосий мақсади ва тавсифи билан ажралиб туради. Ер ва унинг жойдан жойга, вақт давомида ўзгариш ҳолатлари ва вазифаларини ўрганиш, тавсифлаш ва тушунтириш географиянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли географияни кўпинча фазовий фан деб ҳам аташади. Ер юзидаги воқеа ходисаларнинг жойлашиш (ёки тарқалиши) бир хиллиги ва фарқини, ўзгаришини таҳлил қилади ва тушунтиради.

Бир-бирига яқин фан олимлари (масалан, биологлар, геологлар, кимёгарлар, иқтисодчилар) дан фарқли равишда географлар инсон ёки Ердаги табиий жараёнларларни боғлиқликда илмий таҳлил қилади ва ҳар қандай мавзуда илмий ишлар олиб бориши мумкин (1.1-расм).



### 1.1-расм. География фани тармоқлари<sup>2</sup>

Бу ҳар бир гуруҳга кирувчи фанларнинг ўз ўрганиш объекти, предмети ва ўрганиш методлари бор. Ҳар бирининг назарий, регионал ҳамда амалий бўлимлари ҳам бор.

Д.Н.Анучин (1954) географияни умумий ёки ершуносликка ва хусусий ёки ўлкашуносликка ажратади. У ва унинг шогирдлари А.А.Крубер,

<sup>1</sup>World Regional Geography (This text was adapted by The Saylor Foundation under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike 3.0 License without attribution as requested by the work's original creator or licensee). [www.saylor.org/books](http://www.saylor.org/books). 4-6-bet.


<sup>2</sup>Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. 2007. 4-bet.

А.А.Борзов географиянинг бу бўлимларининг бир-бири билан яқин алоқасини ва уларнинг бир-бири учун аҳамиятини кўрсатиб беришган. Шундан буён география олдинга катта қадамлар ташлади, айниқса умумий география, унинг алоҳида бўлимлари мустақил фанга айланди (геоморфология, иқлимшунослик, гидрология ва ҳ.к.). табиийки, Д.Н.Анучиннинг географияни тармоқларга ажратиши ҳозирда бизни каноатлантирмайди, чунки география фанлари тизимининг ўзи ҳам табақалашди.

А.А.Григорьев (1952), И.П.Герасимов (1954), С.В.Калесник (1955, 1970) бўйича табиий география географик қобик ёки географик муҳитни бир бутун ўрганувчи умумий ер билими ёки умумий табиий география ва регионал табиий географияга ажратилади. С.В.Калесник (1957, 1970) ва К.К.Марков (1960) регионал табиий географияни ландшафтшунослик билан; умумий ер билимини умумий табиий география билан бир хил тушунишади.

Ш.С.Зокиров фикрича, табиий география умумий ва регионалга ажралиши керак. Умумий табиий география географик муҳитни ўрганишнинг умумий масалалари билан шуғулланади. У юқори таксономик бирликлар – географик қобик, географик минтақалар, ўлкалар, зоналар каби куйи регионал ва типологик бирликлар – районлар, райончалар, ландшафтлар, элементар ландшафтлар ёки фациялар ва ҳ.к.лар тузилиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Фақат юқори таксономик бирликларни ўрганиш умумий ер билимига тегишли. Умумий табиий география вазифасига бундан ташқари, ҳудудий табиий географик бирликларнинг умумий систематикаси, классификацияси, типологияси ва таксономияси киради. Ландшафтшуносликнинг умумий назарий масалалари, табиий географик районлаштиришнинг назарий масалалари – умумий табиий географиянинг қисмларидир. А.А.Григорьев (1966) шунингдек умумий табиий география ҳудудий табақаланишнинг (Ер ташқи қобигини турли табиий районларга ажратиш) умумий масалаларини ўрганишини ҳам айтиб ўтади. Регионал табиий география алоҳида ҳудудлар, турли таксономик даражадаги алоҳида ҳудудий бирликлар (ўлкадан кичик районлар, алоҳида ҳудудларнинг ландшафтлар гуруҳи ва хиллари, микроландшафтлар (урочише ва ҳ.к.) ҳамда элементар ландшафтларигача) географик муҳитини ўрганиш билан шуғулланади. Демак, умумий ер билими – фақат умумий табиий географиянинг бир қисмидир, регионал табиий географияни эса ландшафтшунослик билан адаштирмаслик зарур. Ландшафтшунослик – табиий географиянинг бир қисми бўлиб, ўз навбатида умумий ва регионал ландшафтшуносликка ажралади ҳамда табиий географиянинг умумий ва регионал қисмлари орасида жойлашган.

Табиий география Н.А.Гвоздецкий бўйича куйидаги бўлимлардан иборат:



Табиий география ўз объекти ва уни ўрганишга ёндашувига кўра географик муҳит алоҳида компонентларини ўрганувчи фанлардан сезиларли фарқ қилади. Шунга қарамай, ҳозирда ҳам табиий географияни “мажмуа тўғрисидаги фан” сифатида эмас, балки кўпинча фанлар мажмуи сифатида тушунишади (Орлов Б.П., 1945). Бундай тасаввур баъзи йирик географларнинг назарий қарашларида ўз аксини топган. А.А.Григорьев (1952) ёзишича: “Табиий географияга қатор махсус табиий географик фанларга геоморфология, гидрология, иқлимшунослик ... киради.” К.К.Марков (1960) табиий географияга (ер билими) 3 та бўлимдан бири сифатида хусусий табиий географияни (геоморфология, иқлимшунослик ва бошқалар) киритади. Н.И.Михайлов бўйича (1963) табиий география умумий табиий география ва хусусий табиий географик фанларга (геоморфология, иқлимшунослик, қуруқлик гидрологияси ва ҳ.к.) бўлинади. Ҳатто тупроқшуносликни ҳам у табиий географияга қўшади. “Табиий географияга кириш” курсида геоморфология, иқлимшунослик, биогеография ва ҳ.к. ҳам табиий географиянинг таркибий қисмлари сифатида қаралади. (Марков К.К. ва бошқалар, 1978).

Бизнингча, табиий география фанининг текшириш объекти биттадир. У ҳам бўлса жуда ранг-баранг ва мураккаб тузилишга эга ўлган географик қобикдир. Ундаги ранг-баранг ва мураккаблик унинг серкомпонентлиги билан, улар орасида рўй бериб турадиган, ҳамда ташқи муҳит билан бўлиб турадиган ўзаро таъсир ва алоқадорликларнинг серқирралиги билан боғлиқдир.

Географик қобикнинг бундай мураккаб тузилганлиги, яъни унинг кўп компонентлиги ва турли-туман табиий географик комплекслардан ташкил топганлиги уни ҳар томонлама тадқиқ қилишни тақазо этади. Унинг ҳар бир компонентини у ёки бу хусусий фан ўз предмети сифатида ўрганиши мумкин. Масалан, рельефни геоморфология фани, тупроқни тупроқшунослик фани, ўсимлик қопламани геоботаника каби. Аммо, бу компонентларни

хаммасини биргаликда улар орасидаги мавжуд бўлган ўзаро таъсир ва алоқадорликлари билан бирга, бир бутун табиат хосиласи, яъни табиий географик комплекс сифатида фақат табиий география фанигина ўрганари. Географик қобик энг катта табиий географик комплекс сифатида, табиий географиянинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади.

Демак, географик қобик табиий география фани учун бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам предмет вазибаларини ўташи мумкин. Шу маънода И.М.Забелин (1978) билдирган фикр эътиборга лойиқдир. У "географик қобик объект сифатида Ер ҳақидаги бир қатор фанлар томонидан ўрганилиши мумкин ва ўрганилмоқда ... Географик қобик, умуман табиатнинг комплекс ҳодисаси сифатида табиий географиянинг ўрганиш предмети хисобланади" - деб ёзади.

Географик қобикнинг бир бутунлиги унинг турли қисмларида турлича табиий шароит мавжудлигини инкор этмайди. Географик қобик, бир бутун табиий комплекс бўлиши билан бирга турли катта-кичикликдаги табиий географик комплексларга табақалангандир.

Табиий географик комплекс деганда, у каттами ёки кичикми, барибир, табиатда объектив мавжуд бўлган, макон ва замонда шаклланган, бир бутунлик хусусиятига эга бўлган моддий тизим тушунилади. Ҳар бир табиий географик комплекс ўзига хос бўлган бўйлама ва энлама структурага эгадир. Ҳар бирининг структураси компонентлараро ва ички комплекслари аро модда ва энергия алмашилиши кўринишидаги мураккаб табиий жараёнлар натижасида шаклланади.

Табиий географияга оид китоб ва мақолаларда учрайдиган "табиий комплекс", "табиий ҳудудий комплекс", "географик комплекс" ёки "геокомплекс" атамаларининг ҳаммаси табиий географик комплекс атамасининг синоними сифатида ва кейинги йилларда қўлланилаётган "геотизим" атамаси ҳам, асосан шу маънода ишлатилмоқда. Бизнингча, бу атамдан фойдаланилган тақдирда, табиий географик комплекс атамасининг ўрнига эмас, балки у билан ёнма-ён, "яъни табиий географик комплекс ўзига хос геотизимдир" қабилида ишлатган макул.

Фикримизча, ландшафтшуносликнинг ўрни табиий географиянинг қаторида эмас, балки унинг қисмлари хисобланган умумий ер билими билан регионал табиий географиянинг қаторида бўлиши керак. Бу ҳолда биз С.В. Калесник (1970), А.Г. Исаченко (1965) кабилар билдирган фикр, яъни регионал табиий география билан ландшафтшунослик иккаласи бир нарсадир, бу икки тушунча синоним тушунчалардир деган фикрдан йироқ бўламиз. Шу билан бирга В.И.Прокаевнинг (1982) регионал табиий географияни регионал ландшафтшунослик билан алмаштириш лозим деган фикрига ҳам қўшилаолмаймиз. Бундай англашилмовчиликларнинг барчаси ландшафт тушунчасини ким қандай тушуниши билан боғлиқдир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб табиий географиянинг ўрганиш объекти ва предметидан келиб чиққан ҳолда, табиий география фаннинг қуйидагича бўлинишини мақсадга мувофиқ деб топдик (жадвал).

### Табиий географиянинг объекти, предмети ва тармоқлари

Табиий географиянинг объекти ва унинг табақаланиши	Табиий географиянинг предмети ва унинг кўламлари	Табиий географиянинг асосий тармоқлари
Географик қобик	Планетар кўламдаги, энг катта ва энг мураккаб табиий географик комплекс	Умумий табиий география ёки умумий ер билими
Материк Ўлка Зона Провинция Кичик провинция Округ Район	Регионал кўламдаги, катта ва мураккаб географик комплекслар	Катта ҳудудлар табиий географияси ёки регионал табиий география
Ландшафт Жой Урочише Фация	Топологик (маҳаллий) кўламидаги кичик ва оддий табиий географик комплекслар	Кичик ҳудудлар табиий географияси ёки ландшафтшунослик

Табиий географиянинг бундай қисмларга бўлиниши асосида, даставвал, унинг ўрганиш объектининг бир бутунлиги, дунё миқёсидаги табиий географик комплекс эканлиги ва бошқа муҳим хусусиятлари ётади.

Географик қобикни бир бутун табиий географик хосила ва энг катта табиий географик комплекс сифатида, унинг структурасини, динамикасини, ривожланишини, унга таалуқли бўлган умумий табиий географик қонуниятларни умумий табиий география ёки умумий ер билими ўрганади. К.К.Марков (1960), С.В.Калесник (1970) лар ҳам умумий ер билими билан умумий табиий географияни битта фан деб ҳисоблайдилар.

Географик қобик энг катта ва энг мураккаб табиий географик комплекс бўлиши билан бир вақтда жуда кўп ва турли таксономик қийматга эга бўлган табиий географик комплексларга табақалангандир. Жадвалда ана шундай табиий географик комплексларнинг таксономик иерархияси сақланган ҳолда, материк - ўлка - зона - провинция - кичик провинция - округ - район кўринишидаги етти поғоналик тизими келтирилган. Буларнинг ҳаммаси регионал кўламга эга бўлган табиий географик комплекслардир. Уларнинг ҳар бири, ҳоҳ материк ёки ўлка бўладими, ҳоҳ табиий географик округ ёки район бўладими, барибир битта фаннинг, яъни регионал табиий географиянинг ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилади. Бундай объектларнинг компонентларини эса бир қатор хусусий фанларнинг регионал қисмлари ўзларининг предмети сифатида ўрганади.

Регионал табиий географик тадқиқотлар, албатта биронта табиий



географик комплекс чегарасида олиб борилиши шарт эмас. Бундай тадқиқотлар, мақсад ва вазифаларига боғлиқ ҳолда, биронта давлат чегарасида ҳам, биронта тоғ тизмаси ёки дарё ҳавзаси чегарасида ҳам олиб борилиши мумкин. Қандай чегара доирасида олиб борилишидан қатъий назар унинг ўрганиш предмети регионал кўламдаги табиий географик комплекслар бўлиб қолаверади.

Юқорида келтирилган жадвалда табиий география фанининг яна бир тармоғи сифатида, кичик ҳудудлар табиий географияси ёки ландшафтшунослик кўрсатилган. Унинг ўрганиш предмети бўлиб топологик (маҳаллий) кўламдаги, кичик ва нисбатан оддий тузилган табиий географик комплекслар ҳизмат қилади. Табиий географиянинг бу қисми, объект сифатида ландшафт ва унинг морфологик қисмлари бўлган жой, урочише ва фация каби топологик бирликларни ўрганади.

## **1.2. Табиий географиянинг объекти, предмети ва вазифалари**

Ҳар қандай мустақил фан ўз тадқиқот объектига эга бўлгани каби табиий география ҳам ўз тадқиқот объектига эгадир. Унинг объекти жуда мураккаб тузилган кўп тавсифли табиат хосиласидир. Ҳар бир фаннинг назарияси, методологияси ривожланиб, изланиш методлари такомиллашиб боргани сари унинг тадқиқот объекти, предмети ва вазифалари ҳақидаги тушунчалар ҳам аниқлашиб, муайянлашиб бориши табиийдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, табиий география фанининг ҳозирги ривожланиш босқичида унинг тадқиқот объекти ҳақида тўртта тушунча хосил бўлганлигини эътироф этиш мумкин.

Табиий географиянинг объекти ҳақидаги биринчи ва энг кенг тарқалган тушунча географик қобик ҳақидаги тушунчадир. Бу тушунчага асос бўлган дастлабки фикр П.И.Броунов (1910) томонидан, унинг табиий географиядан тузган ўқув қўлланмасида билдирилган эди. Унда ёзилишича, табиий география Ернинг қиёфасини, яъни Ернинг турли ҳодисалар ва органик ҳаётга макон бўлган ташқи қобиғини ўрганади. Бу қобик бир бирига туташ бўлган, ўзаро таъсир ва алоқадорликда бўлган сфералар, яъни литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферадан ташкил топгандир. П.И.Броунов бу сфераларнинг барчаси бир бирига киришиб, ўзаро таъсирлари билан, ҳам Ернинг ташқи қобиғини, ҳам Ердаги барча ҳодисаларни келтириб чиқаради. Шу ўзаро таъсирларни ўрганиш табиий географиянинг энг асосий вазифаларидан бирини ташкил қилади, деб ёзган эди. Ушбу муаллиф фанда биринчи бўлиб табиий географиянинг объектини ўз мазмунига мос ном билан, яъни Ернинг ташқи қобиғи деб атаган эди. Унинг фикрлари кейинчалик А.А.Григорьев томонидан ривожлантирилди ва натижада географик қобик ҳақидаги таълимот юзага келди. Бу таълимотнинг асосий мазмуни Ернинг устки қисми сифат жиҳатидан бошқа сфералардан фарқ қиладиган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган қобикдан тузилганлиги ва ўзаро боғлиқ бўлган, бир бирига фаол таъсир этиб турадиган турли

геосфералардан ташкил топганлиги, ҳамда ўзида органик ҳаёт ва мураккаб табиий географик жараённинг мавжудлиги билан ифодаланади.

Бизнингча, табиий география фанининг текшириш объекти биттадир. У ҳам бўлса жуда ранг-баранг ва мураккаб тузилишга эга ўлган географик қобикдир. Ундаги ранг-баранг ва мураккаблик унинг серкомпонентлиги билан, улар орасида рўй бериб турадиган, ҳамда ташқи муҳит билан бўлиб турадиган ўзаро таъсир ва алоқадорликларнинг серқирралиги билан боғлиқдир.

Фаннинг предметини аниқлашга уни асосий қисмларга ажратиш ва туташ фанлар тизимида тутган ўрни боғлиқ. Табиий географиянинг предмети тўғрисида бир қанча қараш ва тасаввурлар мавжуд.

Табиий географиянинг предметини аниқлашда 3 та асосий гуруҳ ажратилади. Биринчи гуруҳ таърифида табиий географиянинг предмети Ернинг география қобиғи, геосфера; иккинчи гуруҳ таърифида – географик комплекс, табиий худудий бирлик ва ҳ.к.; учинчи гуруҳ таърифида географик муҳит ҳисобланади. Айрим географлар ўз фаолиятининг турли босқичларида ва турли йилларда турли таърифларни илгари суришган. Улар орасида энг кенг тарқалгани табиий географиянинг предмети географик қобик деган қарашдир.

Бу борада дастлабки таъриф П.И.Броуновга (1910, 1917) тегишли бўлиб, у илк бор Ернинг сиртки қобиғи тўғрисида литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферанинг ўзаро туташ ва таъсир этиб турадиган зона сифатида фикр билдиради. Бу ғоя А.А.Григорьевнинг (1932, 1937) кўплаб назарий ишлари асосида ётади. У “табиий географиянинг ўрганиш предмети Ер шари ташқи географик қобиғи структураси ҳисобланади” дейди. Мазкур ғоя ернинг географик қобиғи тўғрисидаги тасаввурни ўзаро таъсир қобиғи сифатида ривожлантирган А.А.Григорьевнинг (1932, 1937) кўплаб назарий ишлари асосида ётади. Унинг ёзишича, “табиий географиянинг предмети ер шари ташқи географик қобиғининг структураси” (1946; 1966), “ернинг географик қобиғи” (1966) ҳисобланади. Бундай қарашни С.В.Калесник (Ер географик қобиғининг тузилиши, 1947; Ернинг ландшафт қобиғи, 1955; географик ёки ландшафт қобиғи, 1957, 1970), Ю.К.Ефремов (ландшафт қобиғи, ландшафт сфераси, 1950, 1959, 1964, 1966; ландшафт сферасининг табиати, 1963), Д.Л.Арманд (географик сфера, 1957), Ф.Н.Мильков (Ернинг географик қобиғи, унинг тузилиши ва ривожланиши, 1959, 1967), И.М.Забелин (Ер биогеносфераси; ушбу атамани у географик қобик синоними сифатида қўллаган, 1959), А.Г.Исаченко (географик ёки ландшафт қобиғи, 1961), Н.И.Михайлов (географик қобик, 1969), М.И.Давидова, А.И.Каменский, Н.П.Неклюкова, Г.К. Тушинский (Ернинг ландшафт қобиғи, 1966) ва бошқалар ҳам илгари суришади.

Юқоридагилардан айримлари (Ю.К.Ефремов, С.В.Калесник ва бошқалар) “географик қобик” терминини “ландшафт қобиғи” термини билан адаштиришади ва уларни синоним, деб ҳисоблашади. Ландшафт қобиғини бундай тушуниш В.А.Анучин (1960) китобида ҳам қабул қилинган.

Ландшафт сфераси тўғрисида бошқача, назаримизда тўғрироқ тасаввур

хам мавжуд. Ф.Н.Мильков (1959, 1967, 1970) ландшафт сферасини географик қобик ичида ажратиб, уни Ер географик қобигининг биологик фокуси деб ҳисоблайди. Ландшафт қобигининг қалинлиги, Ф.Н.Мильков бўйича 30 дан 200 м гача, С.В.Калесник бўйича эса (1955) ландшафт қобигини географик қобик билан бир хил деб қараган ҳолда унинг қалинлиги 30-35 км ни ташкил этади<sup>3</sup>.

Ф.Н.Мильков ландшафт сферасининг қуйи катлами деб замонавий нураш пўстини ҳисоблайди. Фақат нураш пўстини асосан ландшафтга А.Г.Исаченко ҳам киритади (1953). Баъзида ландшафтга ер пўстининг чуқурроқ участкаларини ҳам киритишга тўғри келади (масалан, карст ландшафт шароитларида), бироқ ландшафт қобигининг қалинлиги географик қобикниқидан сезиларли камроқдир. М.А.Глазовская (1964) ландшафтларнинг ўзи ташкил топган элементар ландшафтларнинг (ўсимлик қоплами юқори яруси юзасидан грунт сувлари оқимининг қуйи чегарасигача) жуда чекланган қалинлиги тўғрисида ёзади.

Ф.Н.Мильковнинг “Ернинг ландшафт сфераси” тушунчаси “географик қобик” тушунчаси билан мос келмайди ва бу терминлар синоним ҳисобланмайди. Ландшафт сфераси ёки қобиги – географик қобикнинг бир қисмидир. Бу ландшафтшуносликнинг ўрганиш предметида, яъни фақат табиий географиянинг қисмлари, унинг асосий бўлимларидан биридир. Шундай бўлсада, юқорида табиий географиянинг предметида таъриф берган муаллифлар моҳиятан ушбу термин билан Ернинг географик қобигини тушунишган. Шу сабабдан, уларнинг таърифлари табиий географиянинг предмети аниқлашнинг биринчи гуруҳига киради.

Д.Л.Арманд таъкидлашича “географик сфера таркибига бизни бевосита ўраб турган барча тирик ва нотирек табиат, инсониятнинг ўзи ҳам, у томонидан яратилган барча моддий маданият маҳсули ҳам киради. Ўз-ўзидан аёнки, бу объектларнинг барчаси ҳам ва барча муносабатларда табиий география томонидан ўрганилмайди.” У кейинчалик географиянинг предмети географик сфера сифатида “маъноли чегаралари”ни аниқловчи қатор аниқликлар киритади (1957). Табиий география географик қобикни эмас, балки географик қобик табиатини ўрганади, десак тўғрироқ бўлади.

Табиий географияни Ернинг географик қобик ёки географик сфера тўғрисидаги фан сифатида белгилашнинг асосий камчилиги – бу табиий географияда умумий ер билими йўналишининг таъкидлашидир. Тасодиф эмески, табиий география предмети бундай таърифлашнинг асосчилари фанда умумий ер билими йўналишини ривожлантиришган: умумий табиий география курси муаллифи П.И.Броунов, Ернинг турли минтақалари географик муҳити типлари тўғрисидаги масалаларни ишлаб чиққан А.А.Григорьев, “Умумий ер билими асослари” (1955) ва “Ернинг умумий географик қонуниятлари” (1970) китоблари катта назарий аҳамиятга эга бўлган С.В.Калесник.

---

<sup>3</sup>Кейинроқ С.В.Калесник географик ёки ландшафт қобигининг қуйи чегарасини, унга “литосфера доирасида фақат гипергенез соҳаси”ни киритиб, максимум 500-800 м га кўтарди (1970), юқори чегарасини эса стратопаузагача сурди, натижада ландшафт қобигининг қалинлиги тахминан олдингидек қолди.

Географик қобик (сфера) – бу умумий ер билимининг асосий тадқиқот предметиدير. Умумий ер билими – фақатгина табиий географиянинг бир қисми, бундан ташқари – бу умумий табиий географиянинг бир қисмиدير.

Табиий географиянинг тадқиқот предмети сифатида Ернинг географик қобиғи тўғрисидаги тасаввурларга қарши табиий географлар доимо ўз илмий-амалий фаолиятларида тўқнаш келадиган, табиий географларнинг бевосита тадқиқот объектига яқинлашган предметни бошқача таърифлари ҳам пайдо бўла бошлади.

Б.П.Орлов (1945) табиий географиянинг ўрганиш предмети географик комплекс, деб ҳисоблайди. А.Г.Исаченко табиий географияни географик комплекслар ҳақидаги фан, деб ҳисоблайди. У географик комплекс тушунчаси тенг равишда кичик ва йирик ҳудудий бирликлар ҳамда бутун Ер шари географик қобиғига ҳам тегишли эканлиги тўғрисида фикр билдиради. К.К.Марков ва бошқалар “Табиий географияга кириш” курсида “табиий ҳудудий комплекслар”, “Ер юзаси табиий комплекслари” ҳақида табиий географиянинг тадқиқот объекти сифатида ёзишади.

А.С.Барков ва Н.А.Гвоздецкий 1945 йилда “География ўқув предмети сифатида” мақоласида ҳудудни географиянинг тадқиқот предмети деб ҳисоблашни таклиф қилдилар. Бироқ бу таърифда айрим камчиликлар мавжуд. География нафақат ҳудудни, акваторияни ҳам ўрганади.

Н.А.Солнцев табиий географларнинг ўрганиш предмети “ер юзасида унинг ривожланиш жараёнида вужудга келган ва ажралган табиий ҳудудий бирликлар” (1955), “табиий географик бирликлар” “географик муҳит ривожланишининг” қонуний маҳсули, деб ҳисоблайди. У табиий география табиий ҳудудий бирликлар, уларнинг географик муҳитини ўрганади, дейди.<sup>4</sup>

Географик муҳит – табиий географиянинг тадқиқот предмети. Бу учинчи гуруҳ таърифининг асосидир. Учинчи гуруҳ табиий географиянинг предмети сифатида географик муҳитни белгилайди. Бу таърифнинг тарафдори ҳам П.И.Броунов бўлиб, у табиий география “инсон ва бошқа организмлар ҳаёт кечирадиган муҳитни ўрганади”, деб ёзади (1917).

Табиий географиянинг тадқиқот предмети бундай қарашни ўз даврида МДУ география факультетининг кўплаб етакчи ходимлари маъқуллаган. МДУ география факультетининг 1948 йилда “Ломоноовские чтения”нинг Д.Н.Анучин хотирасига бағишланган тўплами сўз бошисида муҳаррирлар К.К.Марков ва А.И.Соловьев шундай ёзишган: “Қилинган докладлар ва уларнинг муҳокамаси асосида ишонч билан айтиш мумкинки, табиий географияни географик муҳит, унинг ривожланиши, типлари, табиий ресурслар, уларнинг ҳудудий ўзгаришлари – географик комплекслар ҳақидаги фан сифатида тушунализ” (Марков, Соловьев, 1948).

Табиий географияни географик муҳит тўғрисидаги фан сифатида

---

<sup>4</sup>Таърифларнинг иккинчи гуруҳига, афтидан, В.Б.Сочаванинг табиий географиянинг объектининг янги таърифини ҳам киритиш лозим: “барча ўлчамдаги геотизимлар”. В.Б.Сочава табиий географлар томонидан анъанавий ажратилган типологик ва регионал бирликларни (геомерлар ва геохорлар) динамик планда талкин қилиб, уларни турли характердаги географик комплекслар, табиий ҳудудий бирликлар сифатида тушунади.

К.К.Марков (1951, 1960), Ю.Г.Саушкин (1948), Д.Л.Арманд (1951), И.М.Забелин (1952), А.А.Григорьев (1952), Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова (1961) ва бошқалар белгилайди. Бу нуқтаи назар МДУ география факультети ва ФА География институтининг бирлашган докладида акс этган. 1947-1950 йилларда география тўғрисида Москва муҳокамасидан кейин у кўплаб географлар орасида устунлик қилди. Кейинчалик, шунга қарамай, кўплаб географлар яна биринчи гуруҳ таърифини қўллаб-қувватлай бошлашди.

Географияни географик муҳит тўғрисидаги фан сифатида айрим хориж географлари ҳам талқин қилишади.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган 3 гуруҳ таърифида битта умумий ўхшашлик мавжуд. Уларнинг барчаси табиатни – географик қобик ва унинг алоҳида қисмлари табиатини (биринчи гуруҳ), ер юзаси алоҳида участкалари – табиий географлар тадқиқотининг асосий объекти табиатини (кўпроқ иккинчи гуруҳ), кишилиқ жамияти хўжалиқ фаолияти муҳити сифатида ер юзаси табиатини (учинчи гуруҳ) комплекс ўрганишни назарда тутди. Кейинги (учинчи гуруҳ) таърифининг устунлиги табиий географик тадқиқотларнинг кишилиқ жамияти хўжалиқ фаолияти билан алоқадорлигидан, амалий йўналганлигидан, география фанининг амалийлигидан иборат. В.Л.Виленкин ва Г.П.Дубинскийлар ижодий, муҳандислик табиий географиянинг географик муҳит тузилиши ва муҳим қонуниятлари, унинг йўналтирувчи ўзгаришлари ҳақидаги, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва тиклаш ҳақидаги фан сифатидаги аҳамиятини кўрсатишади.

Маълумки, табиий географик фанлар тизимидаги ҳар бир фаннинг, шу жумладан хусусий табиий географик фанларнинг ҳам, комплекс табиий географиянинг ҳам умумий қисми ва регионал қисми мавжуд. Уларнинг тадқиқот объектлари, вазифалари ва методлари ҳам турличадир.

Умумий табиий география географик қобикни бир бутун ҳолда ўзининг тадқиқот объекти деб ҳисоблар экан, унинг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш эса асосий вазифасидир. Регионал табиий география эса муайян ҳудудларни, уларнинг табиий шароити ва табиий ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини, табиий географик комплексларнинг табақаланиш омиллари ва қонуниятларини ўрганадиган фандир. Унинг тадқиқот объекти эса табиатда объектив мавжуд бўлган турли катта-кичикликдаги табиий географик комплекслардир.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиий географиянинг объекти ва предмети
2. Фаннинг мақсад ва вазифалари
3. Фаннинг объект ва предмет ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш тарихи
4. Географик фанлар тизимида табиий географиянинг ўрни ва унинг қисмлари
5. Табиий географик табақаланиш омиллари ва уларнинг гуруҳлари

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Goudie A. Physische Geographie. Germany. 2002.
2. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. Тошкент, - Университет, 1994.
3. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. Тошкент, - Университет, 1999.
4. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. T.: Turon zamin ziyo, 2016.
5. Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. 2007.
- 6 World Regional Geography (This text was adapted by The Saylor Foundation under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike 3.0 License without attribution as requested by the work's original creator or licensee).[www.saylor.org/books](http://www.saylor.org/books).
7. Gulomov P.N. Inson va tabiat. Toshkent, 2009.

### 2-мавзу: Географик қобикнинг чегаралари ва таркибий тузилиши

#### **РЕЖА:**

- 2.1. Умумий табиий географиянинг асосий муаммолари
- 2.2. Регионал табиий географияга таалуқли муаммолар
- 2.3. Ландшафтшунослик ёки кичик ҳудудлар табиий географиясининг муаммоли масалалари

**Таянч иборалар:** *умумий табиий география, регионал табиий география, ландшафтшунослик, ландшафт, географик тизим, районлаштириш, таксономик бирлик, структуравий-генетик, функционал-динамик, антропоген, экологик, эстетик ва бошқалар.*

#### **2.1. Умумий табиий географиянинг асосий муаммолари**

Географик қобикни ташкил қилувчи ва уни ривожлантирувчи компонентларнинг ўзаро таъсир ва алоқадорликлари улар орасида муттасил рўй бериб турадиган модда ва энергия алмашилишининг натижаси бўлиб, бу алмашилиш модданинг айланиши ва энергия оқими шаклида бўлади. Географик қобикдаги модда ва энергиянинг ҳаракати унинг таркибий қисмларини боғлаб туради ва бир бутунлигини таъминлайди.

Географик қобикнинг мавжудлиги ва у ўзига хос хусусиятлари билан


табийй географиянинг объекти эканлиги кўпчилик географлар томонидан тан олинган. Аммо унинг номланиши, унинг юқори ва қуйи чегаралари, ҳамда уларга боғлиқ ҳолда, қалинлиги ҳақида турлича фикрлар юзага келган. Географик қобик ҳақидаги таълимотнинг асосчиси хисобланган А.А.Григорьевнинг ўзи ҳам уни турлича ном билан атаган. Масалан, 1930 йилда "географик муҳит", 1937 йилда "табийй географик қобик" ва 1964 йилда эса "географик қобик" деб атаган.

Географик қобик ҳақидаги таълимотнинг оммалаштирилишида, олий географик таълимга жорий қилинишида, ўрта мактаб дастурларига киритилишида хизматлари беқиёс бўлган С.В.Калесник 1940 йилда биринчи бўлиб "географик қобик" атамасини ишлатган бўлса ҳам, кейинчалик 1955, 1970 йилларда у синоним сифатида "ландшафт қобиғи" атамасидан фойдалана бошлади.

Ернинг ташқи қобиғини географик адабиётда "ландшафт қобиғи" (Ю.К.Ефремов, 1950; В.Б.Сочава, 1956), "ландшафт сфераси" (Ю.К.Ефремов, 1959; Д.Л.Арманд, 1975), "биогеосфера" (И.М.Забелин, 1959, 1978), "эпигеосфера" (А.Г.Исаченко, 1965, 1991) ёки "геосфера" (А.М.Рябчиков, 1978) деб номлаш ҳоллари учрайди. Бир вақтлар В.И.Вернадский (1926) айтган "биосфера" ҳам ўз чегаралари билан географик қобикқа мос келади. Бу ҳақда, А.Е.Криволуцкий (1985) томонидан тузилган ва табийй географиянинг объектига нисбатан билдирилган турли кўз қарашларни акс эттирувчи кўргазмали жадвал яхши тасаввур хосил қилиши мумкин (1 расм).

Н.А. Гвоздецкий (1979) табийй географиянинг предмети ҳақида сўз юритар экан, Ю.К. Ефремов (1959) ва С.В. Калесник (1970) каби географик қобик атамасининг ўрнига ландшафт қобиғи атамасини ишлатиш ўрнига, Ф.Н. Мильков (1970) тавсия этганидек, алоҳида қобикни ландшафт сферасини ажратиш тўғрироқ бўлар эди деб хисоблайди.

Географик қобикнинг бундай мураккаб тузилганлиги, яъни унинг кўп компонентлилиги ва турли-туман табийй географик комплекслардан ташкил топганлиги уни ҳар томонлама тадқиқ қилишни тақазо этади. Унинг ҳар бир компонентини у ёки бу хусусий фан ўз предмети сифатида ўрганиши мумкин. Масалан, рельефни геоморфология фани, тупроқни тупроқшунослик фани, ўсимлик қопламани геоботаника каби. Аммо, бу компонентларни ҳаммасини биргаликда улар орасидаги мавжуд бўлган ўзаро таъсир ва алоқадорликлари билан бирга, бир бутун табиат хосиласи, яъни табийй географик комплекс сифатида фақат табийй география фанигина ўрганади. Географик қобик энг катта табийй географик комплекс сифатида, табийй географиянинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади.



**расм. Табиий географиянинг объекти ва бўлиниши**

Ушбу чизмада географик қобикнинг қалинлиги ва чегаралари хақида билдирилган фикрларни ҳам аниқлаб олиш мумкин.



Демак, географик қобик табиий география фани учун бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам предмет вазифаларини ўташи мумкин. Шу маънода И.М.Забелин (1978) билдирган фикр эътиборга лойиқдир. У "географик қобик объект сифатида Ер ҳақидаги бир қатор фанлар томонидан ўрганилиши мумкин ва ўрганилмоқда. Географик қобик, умуман табиатнинг комплекс ҳодисаси сифатида табиий географиянинг ўрганиш предмети хисобланади" - деб ёзади.

Географик қобикнинг бир бутунлиги унинг турли қисмларида турлича табиий шароит мавжудлигини инкор этмайди. Географик қобик, бир бутун табиий комплекс бўлиши билан бирга турли катта-кичикликдаги табиий географик комплексларга табақалангандир.

## **2.2. Регионал табиий географияга таалукли муаммолар**

Табиий географик комплекс деганда, у каттами ёки кичикми, барибир, табиатда объектив мавжуд бўлган, макон ва замонда шаклланган, бир бутунлик хусусиятига эга бўлган моддий тизим тушунилади. Ҳар бир табиий географик комплекс ўзига хос бўлган бўйлама ва энлама структурага эгадир. Ҳар бирининг структураси компонентлараро ва ички комплекслари аро модда ва энергия алмашилиши кўринишидаги мураккаб табиий жараёнлар натижасида шаклланади.

Географик қобик ва унинг қисмлари бўлган табиий географик комплексларни табиий география ўз тадқиқот предмети сифатида ўрганар экан, уларни аниқлаш, харитага тушириш, тавсифлаш, баҳолаш каби вазифаларни табиий географик районлаштириш орқали амалга оширади. Табиий географик районлаштириш жараёнида худудларнинг табиий географик комплексларга табақаланиш қонуниятлари, табиий географик комплексларнинг ташкил топиши, ривожланиши, структураси, динамикаси ва бошқа хусусиятлари ҳам ўрганилади.

Табиий географик районлаштиришнинг энг катта бирлиги географик қобик ҳам, энг кичик бирлиги хисобланган табиий географик район ҳам, ўз ички тузилиши жиҳатидан бир вақтнинг ўзида, ҳам бир бутундир, ҳам хилма-хилдир, яъни ўзидан кичик бўлган табиий географик комплекслардан ташкил топгандир. Бу табиий географик комплекслар ўзининг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда турли таксономик қийматга эгадир. Масалан, географик қобик ўзидан кичикроқ бўлган табиий географик комплекслар қуруқлик ва океанларга, қуруқлик эса ўз навбатида материкларга бўлинади. Материклар эса ўзидан кичикроқ бўлган табиий географик комплекслар-табиий географик ўлкалардан ташкил топгандир ва х.к.

Агар табиий географик комплексларнинг катта-кичиклигини эътиборга олган ҳолда бирин-кетин қўйиб чиқсак қуйидаги ҳолат юзага келади: Географик қобик-қуруқлик-материклар-табиий географик ўлкалар-табиий географик зоналар-табиий географик провинциялар-табиий географик округлар-табиий географик районлар-ландшафтлар-жойлар-урочишелар-фациялар. Бу табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлари тизими бўлиб, уни ҳамма табиий географлар ҳам

бирдек эътироф этавермайди. Табиий географик районлаштириш масалаларига бағишланган адабиётда бундай таксономик бирликлар тизимини турли хили ва турли мазмундагисини учратиш мумкин (масалан, бир қаторлик, икки ёки уч қаторлик кўп поғонали, кам поғонали каби).

Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлари тизими масаласи катта ва мунозарали мавзу бўлиб, ушбу бобнинг мазмунидан ташқари, алоҳида таҳлилга лойиқдир.

Табиий географик комплекслар одатда, юқорида акс эттирганимиздек, бирин-кетин бўлиб жойлашмаган, балки кичик табиий географик комплекслар биргаликда катталарини, улар эса ўз навбатида ундан каттароқларини ҳосил қилиб жойлашгандир.

Табиий географик комплексларнинг катта-кичиклиги уларнинг узунлиги, кенглиги, қалинлиги, майдони, ҳажми каби махсус ўлчамлари билан таърифланиши лозим эди. Бундай ўлчам кўрсаткичлари табиий географик комплексларнинг илмий таҳлилида рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва бошқаларнинг сон кўрсаткичлари билан бир қаторда ишлатилиб, маълум бир хулосага келишга ёрдам берган бўларди. Бундан ташқари, бундай ўлчамлар табиий географик комплексларнинг бир қатор хусусиятларини аниқлаш, улар орасидаги фарқларнинг моҳиятини тушуниб етишда маълум аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди. Аммо, ҳозирги вақтда уларнинг илмий асосланган, маълум бир муайян мезонларга таянган ўлчамлари ишлаб чиқилмаган.

Табиий географик комплекс тушунчаси табиий география фанидаги фундаментал тушунчалардан биридир. Унинг шаклланиш пойдевори В.В.Докучаевнинг XIX аср охирларида ёзган бир қатор асарларига бориб тақалади. Аммо, географик комплекс атамасини биринчи бўлиб фанга киритган киши А.Н.Краснов ҳисобланади. У география фани тарихида биринчи маротаба, географик комплексларни аниқлаш, уларнинг тарқалиш хусусиятлари ва сабабларини ўрганиш географиянинг энг асосий вазифаси деб ҳисоблаш кераклигини тавсия қилган эди.

Табиий географик комплекс тушунчасини кейинчалик, XX асрнинг 1-ярмида машҳур бўлган рус географларидан Л.С.Берг янада ривожлантирди ва фанда биринчи бўлиб илмий ифодалаб берди. Унинг таъкидлашига кўра, ер юзаси кўплаб мустақил ва табиатда объектив мавжуд бўлган ҳудудий бирликлардан, яъни ландшафтлардан ташкил топган. Кейинчалик, илмий адабиётда табиий географик комплекс атамаси ўрнига “географик ландшафт”, “геокомплекс”, “геотизим”, “табиий ҳудудий комплекс” каби бир қатор атамалар ишлатилиб келинганлигига қарамай, тушунча таърифидаги асосий мазмун сақланиб қолди.

Шундай қилиб, табиий географик комплекслар деганда асосан географик қобиқнинг генетик жиҳатдан бир бутун ва табиий шароити нисбатан бир хил бўлган, индивидуал хусусиятлари билан фарқланадиган қисмлари тушунилади. Ҳар бир табиий географик комплекс маълум компонентлар таркиби билан ва ўзидан кичикроқ бўлган табиий географик комплекслар гуруҳи билан тавсифланади. Компонентлараро ҳамда ички комплекслараро

алоқадорликлар тавсифи унинг структурасини ташкил қилади. Ана шу алоқадорликлар табиий географик комплексларнинг юқорида тилга олинган бир бутунлигини таъминлаб туради. Бундай алоқадорликлар асосан компонентлараро модда ва энергия алмашилиб туриши кўринишида рўй беради. Шу сабабли ҳам у ёки бу табиий географик комплексни ўзини-ўзи “созлаб”, “маромлаштириб” турувчи бир бутун динамик тизим деб тавсифлаш мумкин. Ҳарқалай, табиий географик комплексларнинг моддий таркиби ва структураси нисбатан турғун бўлиб, турли ташқи таъсирларга, шу жумладан, инсоннинг хўжаликдаги фаолияти таъсирларига нисбатан ҳам маълум барқарорликка эгадир.

Маълумки, табиий географик фанлар тизимидаги ҳар бир фаннинг, шу жумладан хусусий табиий географик фанларнинг ҳам, комплекс табиий географиянинг ҳам умумий қисми ва регионал қисми мавжуд. Уларнинг тадқиқот объектлари, вазифалари ва методлари ҳам турличадир.

Умумий табиий география географик қобикни бир бутун ҳолда ўзининг тадқиқот объекти деб ҳисоблар экан, унинг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш эса асосий вазифасидир. Регионал табиий география эса муайян ҳудудларни, уларнинг табиий шароити ва табиий ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини, табиий географик комплексларнинг табақаланиш омиллари ва қонуниятларини ўрганадиган фандир. Унинг тадқиқот объекти эса табиатда объектив мавжуд бўлган турли катта-кичикликдаги табиий географик комплекслардир.

Табиий географик комплекс очик тизим сифатида маълум табиий географик муҳитда шаклланади ва мавжуд бўлади. Ана шу табиий муҳит табиий географик комплекснинг асосий хусусиятларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, у ёки бу табиий географик комплекс ўздан каттароқ бўлган табиий географик комплексларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ер юзасида объектив мавжуд бўлган, кўп ва турли-туман табиий географик комплексларни аниқлаш, харитага тушириш, уларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва тавсифлаб бериш табиий географик районлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳолда табиий географик районлаштириш табиий географик тадқиқотларнинг бир методи деб тан олинishi мумкин. Шу маънода Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш муаммолари билан шуғулланган таникли географ В.М.Четиркиннинг [159] қуйидаги сўзларини эсга олиш аҳамиятлидир. “Районлаштириш шундай асосий методки, ундан география фани ер юзасидаги чексиз кўп ва турли географик ҳодисаларни умумлаштириш, тартибга солиш ва таснифлаш учун фойдаланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, районлаштириш – бу географик ҳақиқатни билиш методидир. Шу сабабли у географик тадқиқотларда ҳар доим энг яқин ва биринчи даражали вазифа бўлган” (73 б).

Умумий мазмуни шунга яқин бўлган фикрни А.Г.Исаченко [65] ҳам билдириб, “районлаштириш ҳудудий тизимларни (яъни табиий географик комплексларни) тартибга солишнинг география фанларида кенг

фойдаланиладиган универсал методидир”, – деб ёзган эди (275 б.).

Кўпчилик географлар табиий географик районлаштириш деганда, табиатда объектив мавжуд бўлган турли катта-кичикликдаги табиий географик комплексларни аниқлаш жараёни деб ҳам тушунадилар [40].

Географик адабиётларда табиий географик комплексларни аниқлаш, чегаралаш ва таснифлаш табиий географиянинг энг муҳим ва энг мураккаб муаммоларидан биридир деб ҳисоблаш ҳоллари ҳам учрайди (масалан, Мильков, 1967). Аниқроғи, табиий географик районлаштиришнинг ўзи табиий географик комплексларнинг бир бутунлиги, структураси, табақаланиш сабаблари, омиллари ва қонуниятлари кабиларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган бир қатор катта-кичик муаммоларни ўз ичига олади. Бу муаммолар назарий, методологик ёки методик тавсифга эга бўлиши мумкин.

Табиий географик районлаштиришнинг назарий, методологик масалалари билан фанимизнинг таниқли олимлари С.В.Калесник, И.П.Герасимов, Ф.Н.Мильков, А.Г.Исаченко, Н.И.Михайлов, Э.М.Мурзаев, В.С.Преображенский, В.И.Прокаев, Г.Д.Рихтер, В.Б.Сочава, В.М.Четиркин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай махсус шуғулланганлар. Уларнинг материалистик дунёқарашга асосланган илмий ғояларидан ишда методологик асос сифатида фойдаланилди.

Шундай қилиб, табиий географик районлаштириш бир вақтнинг ўзида ҳам тадқиқот жараёни, ҳам регионал табиий географик тадқиқот методи, ҳам табиий географик муаммолар гуруҳидан иборат бўлиши мумкин. Бу табиий географик районлаштириш нима? – деган саволни қайси нуқтаи назардан кўйилаётганлигига боғлиқ.

Шу маънода, юқорида келтирилган фикрларга қўшимча қилиб, табиий географик районлаштириш регионал табиий география назариясини ишлаб чиқишда *муҳим илмий асос* бўлиши мумкинлигини таъкидлаб қўймоқчимиз.

Чунки у ёки бу ҳудудни табиий географик районлаштириш жараёнида тадқиқотчи албатта бу ердаги турли катта-кичикликдаги табиий географик комплексларни аниқлашга ва бунинг учун уларнинг шаклланиш ва ривожланиш омилларини ҳамда қонуниятларини ўрганишга, билишга ва ёритиб беришга ҳаракат қилади.

Табиий географик районлаштиришда ер юзасида ҳар хил катталиқдаги, ҳар хил таксономик қийматга эга бўлган, генетик жиҳатдан бир бутунни ташкил қилган табиий географик комплекслар ажратилади ва уларнинг табиий шароитидаги фарқлар аниқланади. Ажратилган комплексларнинг ҳар бири ўзига хос табиий шароитга эга бўлиб, ҳудудни хўжалиқда ўзлаштиришда алоҳида усулларни қўллашни, турлича ёндашишни талаб қилади. Ҳудуддан хўжалиқда оқилона фойдаланиш ундаги ҳар хил қийматга эга бўлган табиий географик комплексларнинг мавжудлигини, уларнинг табиий шароитидаги фарқларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Табиий географик районлаштириш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳозирги вақтда табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаш ва экологик муаммоларнинг олдини олиш долзарб масала бўлиб турганда, экологик хавфсиз ва барқарор

ривожланишга эришишда унинг аҳамияти жуда каттадир. Чунончи, табиий географик районлаштириш регионал табиий географик изланишларнинг муҳим илмий асоси сифатида ҳудудларнинг табиати ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда катта аҳамият касб этиши мумкин.

Районлаштириш деб, нарса ва ҳодисаларнинг ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ўрни ва хусусиятига қараб, илмий асосда тизимга солишга айтилади.

Табиий географик районлаштириш – табиий районлаштиришнинг ғоят муҳим турларидан биридир. Сабаби у ҳудуд табиий шароити ва ресурсларининг бутун комплексини ҳисобга олади.

Табиий географик районлаштириш асосида табиатда объектив мавжуд бўлган индивидуал табиий географик комплекслар, яъни регионал табиий географик бирликлар ётади.

Ҳозирги вақтда табиий география ва бошқа табиий фанларда районлаштиришнинг учта асосий хили мавжуд.

1. Ҳодиса ва объектларнинг ареалларини аниқлаш ва картага тушириш билан боғлиқ бўлган районлаштириш. А.Г.Исаченко бунини табиий географик районлаштиришга киритмайди.

2. Хусусий районлаштириш ёки компонентларни районлаштириш. Бу хил районлаштиришга геоморфологик, иқлимий, тупроқ, геоботаник ва гидрологик районлаштириш кабилар кириб, улар табиий географик комплексларнинг компонентларидан биттасини ҳудудда табақаланишини ўрганиш билан шуғулланади.

3. Комплекс табиий географик районлаштириш. Бу хил районлаштириш аввалги икки хил районлаштириш материалларидан кенг фойдаланиб, ўзининг мураккаблиги билан характерланади.

Бу ерда биз комплекс табиий географик районлаштириш ҳақида фикр юритмоқдамиз.

Комплекс табиий географик районлаштириш методикаси ва методологияси билан Д.Л.Арманд, Н.А.Гвоздецкий, И.П.Герасимов, А.А.Григорьев, А.Г.Исаченко, С.В.Калесник, Ф.Н.Мильков, Н.И.Михайлов, Э.М.Мурзаев, В.С.Преображенский, В.И.Прокаев, Г.Д.Рихтер, В.Н., Н.А.Солнцев, В.Б.Сочава, В.М.Четиркин, И.С.Щукин ва бошқалар шуғулланишган.

Табиий географик районлаштириш ер юзасининг табиий хусусиятларини инобатга олиб табиий бўлақларга бўлишдир. Бунда албатта комплексларнинг маконда табақаланиш ҳодисасига дуч келинади. Уларни маълум қисмларга ажратишда, тартибга солишда эса таксономик бирликлар системасига асосланилади. Шу сабабли районлаштириш билан шуғулланган олимлар ҳар бири ўзига хос ва ўзига маъқул бўлган таксономик бирликлар системасидан фойдаланишган. Таксономик бирликлар системасига таяниб иш кўрилганда албатта қандайдир бир принципга асосланиш табиийдир. Яъни бирор бир принципга асосланмай туриб географик комплексларни ажратиш мумкин эмас.

Географик қобик жуда кўп турли-туман ва мураккаб табиий географик комплекслардан тузилган бўлиб, уларни бирор тартибга, системага солмасдан туриб ўрганиш жуда қийин. Бунда табиий географик районлаштириш таксономик birlikлар системаси асосида амалга оширилади.

Кўпчилик географлар таксономик birlikлар системасини тузишда алоҳида компонентларнинг хусусиятларига асосланадилар.

Районлаштириш учун таксономик система тузишда зонал ва азоналлик омилларга амал қилинади.

### **2.3. Ландшафтшунослик ёки кичик ҳудудлар табиий географиясининг муаммоли масалалари**

XX асрнинг 2 –ярмига келиб табиат ва жамият билан боғлиқ муносабатларда қатор муаммолар юзага кела бошлади. Бу муаммолар серқирра, мураккаб ва ҳар доим долзарбдир. Бу муаммонинг турли жабҳалари билан бир қатор табиий, ижтимоий ва техника фанлари ўз тадқиқот предмети доирасида шуғулланиши мумкин. Бу борада табиий географиянинг ва, айниқса, ландшафтшуносликнинг ўрни ва аҳамияти ўзига хосдир. Чунки, табиий география ва унинг бир қисми бўлган ландшафтшунослик инсон яшайдиган ва хўжалик фаолиятини олиб борадиган ҳудудларнинг табиий шароитини, табиий компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликни, ўзаро таъсирларни, шу жумладан, инсон фаолиятининг таъсирини ҳам ўрганадиган фандир.

Ҳозирги кунда табиий география фани ҳал этиши лозим бўлган муаммоларнинг кўпчилиги, асосан унинг ўрганиш объекти ва предметининг мураккаблиги, ўзига хос хусусиятлари билан, уни тадқиқ қилишда қўлланилаётган тадқиқот методларининг ўзига хослиги билан ва фаннинг ҳозирги тараққиёт босқичида иқтисодиёт қўяётган вазифаларнинг серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқдир.

Шундай муаммоли масалаларнинг айримлари кичик ҳудудлар табиий географияси ёки ландшафтшуносликка тааллуқлидир.

Ландшафтшунослик фани кишилик жамиятининг амалий талабларига боғлиқ ҳолда шаклланди ва ривожланиб келмоқда. Ҳозирги вақтда бу фан инсон билан табиат орасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини яратиш ва соф маданий ландшафтларни барпо қилишнинг муҳим қоида ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Ландшафт ҳақидаги таълимот эса география фанининг энг муҳим назарий фикрлар мажмуаси сифатида, унинг энг асосий қисми сифатида табиий географиянинг амалий ҳаётга кириб боришига шароит яратиб берди ҳамда илмий назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиий география ва ландшафтшуносликка тааллуқли кўпгина муаммолар ҳанузгача ўзининг мураккаблиги ва мунозаралилиги билан ажралиб турибди. Жумладан, ландшафтшуносликнинг назарий методологик масалалари, ландшафтнинг структураси, динамикаси, ривожланиши, ёши,

ташки таъсирларга барқарорлиги, ландшафтларни моделлаштириш, экспериментал ландшафтшунослик масалалари ҳали пухта ишлаб чиқилмаган ва бу борадаги амалий тадқиқотларни тақозо этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиий географик районлаштириш типлари
2. Хусусий районлаштириш хиллари
3. Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар системаси
4. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш
5. Кичик ҳудудлар табиий географиясига оид муаммолар
6. Табиий географик районлаштириш ва унинг назарий асослари
7. Табиий географик комплекслар уларнинг тузилиши ва хусусиятлари
8. Табиий географик районлаштириш принциплари
9. Табиий географик районлаштириш методлари
10. Ўрта Осиёни табиий географик районлаштирган олимлар

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР // Труды ТашГУ, нов.пр., географ. науки, кн. 27. – Ташкент, 1964. – вып. 231. – 266 с.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
3. Баратов П., Маматкулов М., Рафиков А. Ўрта Осиё табиий географияси. –Т.: Ўқитувчи, 2002.
4. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. T.: Turon zamin ziyo, 2016.
5. Zokirov Sh.S., Ibragimova R.A. Orol tabiiy geografik okrugi. Monografiya. T.: Mumtoz so'z. – 2015.
6. Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. 2007.
7. Gulomov P.N. Inson va tabiat. Toshkent, 2009.

### 3-мавзу: Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар тизими муаммолари

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик жиҳатлари
- 3.2. Глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари
- 3.3. Орол ва Оролбўйи муаммоси

**Таянч иборалар:** инсон, табиат, жамият, атроф-муҳит, экологик муаммо, глобал, регионал, маҳаллий, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

#### **3.1. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик жиҳатлари**

Ер ландшафт қобиғининг тараққиёт тарихида одамнинг ва кейинчалик кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши ўзига хос ва географик жиҳатдан муҳим воқеалардандир. Унинг натижасида юзага келган “табиат - жамият” тизими ички қарама-қаршилиқларга бой бўлиб, “жамият” қисмининг фаоллиги билан белгиланади. Ҳар бир муайян ландшафт Ер ландшафт қобиғининг бир қисми сифатида, инсон омилининг таъсири муайян даражада сезилмоқда. Табиийки, Ер ландшафт қобиғининг ривожланиш тарихи давомида ландшафтлар доимо бир хил бўлмаган. Буни Ф.Н.Милков (1986), А.Б.Басаликас (1976), Г.Е.Гришанков (1974) ва бошқаларнинг ишларидан ҳам билишимиз мумкин.

Ф.Н.Милков (1986) Ер ландшафт қобиғининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилар экан даставвал уч босқични ажратади.

Биринчи босқич тобиоген босқич деб аталади ва Ер тарихида палеозой эрасигача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Иккинчиси – биоген босқичдир. У палеозой, мезозой эралари ва кайнозойнинг палеоген, неоген даврларни ўз ичига олади. Бунда биоген компонентлар ландшафт қобиғининг таркиби ва тузилишида ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади.

Учинчи босқич – антропоген босқич бўлиб, Ер тарихининг тўртламчи даврига тўғри келади. Бу босқичда географик қобик инсоннинг ҳаёти ва хўжалиқдаги фаолияти кечадиган муҳитга айланади. Одам пайдо бўлганидан бери у ўзи яшайдиган табиий муҳитга озми-кўпми таъсир этиб келмоқда. Ер ландшафт қобиғининг бу ривожланиш босқичини Ф.Н.Милков (1990) яна



тўрт даврга бўлади.

1.Энг қадимги давр – асосан юқори палеолитга тўғри келади ва тахминан 30 минг йил давом этган. Бу даврда одам оловдан фойдалана бошлади ва ён-атроф табиатига сезиларли даражада таъсир эта бошлади.

2.Қадимги давр – асосан мезолит (ўрта тош асри), неолит (янги тош асри) ва бронза асрларига тўғри келди. Бу давр тахминан 7 минг йилни ўз ичига олиб, чорвачилик ва деҳқончиликнинг юзага келиши билан белгиланади. Чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган инсоннинг табиатга таъсири яна ортади.

3.Янги давр – темир асри бошларидан XX асрнинг ўрталаригача давом этиб, тахминан 3 минг йилни ўз ичига олади. Бу даврда инсоннинг моддий ҳаётида темирнинг кашф этилиши ва тош қуроқларининг аста-секин сиқиб чиқарилиши катта аҳамиятга эга бўлади. Бу даврнинг охирикларидан инсоннинг турли меҳнат қуроқлари ва техника воситалари билан жадал қуроқланиши унинг табиий ресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ортиб кетишига сабаб бўлади.

Айрим ҳисоблашларга қараганда, инсон XIX асрнинг ўзидаёқ Ер бағридан 22711 минг тонна кўрғошин, 11.373 минг тонна рух, 10.679 минг тонна кумуш, 11.5 минг тонна олтин, 27.5 минг тонна алюминий ва ҳоказоларни қазиб олган (А.Кларк, 1966).

Буларни ажратиб олиш учун инсон қанча миллиардлаб тонна турли тоғ жинслари ва тупроқни бир жойдан иккинчи жойга олиб ташланганини тасаввур қилиш қийин эмас. Инсон ўрмонларни аёвсиз қирқа бошлади. Кейинги 300 йил ичида ўрмонларнинг умумий майдони икки мартага қисқариб кетди.

4.Энг янги давр – XX асрнинг ўрталаридан бошланди. Илмий-техника инқилоби билан таърифланган бу давр Ер ландшафт қобиғи ривожланишининг антропоген босқичидаги сифат жиҳатидан ўзига хос бўлган бир даври ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, нисбатан қисқа бўлган, 40-50 йиллик бу даврда фан жадал ривожланиб, бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланди. Физика, кимё, биология ва бошқа қатор фанларнинг буюк кашфиётларидан амалда фойдаланган инсон ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш мақсадида, қудратли техникага асосланган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланишни кучайтириб юборди.

А.М.Рябчиков (1974) келтирган баъзи маълумотларга қараганда, инсон ўз хўжалик фаолияти натижасида Ер бағридан ҳар йили 100 миллиард тоннадан ортиқ турли хил руда бойликлари, ёнилғи хомашёси, қурилиш материаллари қазиб олар экан. Кейинги 60 йил ичида ҳайдалиб, экин экиладиган ерлар майдони қарийб 2 баробар ортган. Ер юзасининг 60 % ига яқин майдони ўзлаштирилиб, экинзорлар, боғлар, йўллар, шаҳар ва қишлоқлар кўринишида фойдаланилмоқда. Ҳар йили 8 миллиард тонна шартли ёнилғи ишлатилмоқда, саноат ва рўзғордан чиққан 600 миллиард тонна чиқинди сувлар турли сув ҳавзаларига туширилиб, уларни ифлослантирмоқда. 800 миллион тоннадан ортиқ турли хил металллар

эритилмоқда. Экин майдонларида ҳар йили 400 миллион тонна минерал ўғитлар ва 4 миллион тоннага яқин турли кимёвий моддалар ишлатилмоқда, 20 миллиард тонна CO<sub>2</sub> гази ва 1 миллиард тоннадан зиёд турли кимёвий бирикмалар атмосферага ёйилмоқда.

Бундай ва шунга ўхшаш маълумотларни дарсликларда, турли махсус ва оммабоп адабиётларда кўплаб учратиш мумкин. (масалан, Ж.Дорст, 1968; Д.П.Никитин, Ю.В.Новиков, 1980; А.М.Алпатыев, 1983; А.Г.Исаченко, 1991 ва б.) Аммо бундай кўрсаткичларга яна бир маротаба мурожаат қилишимиздан мақсад кейинги йилларда инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсир қанчалик кескин тус олганлиги, Ер юзаси ва географик қобикда рўй бераётган турли жараёнларнинг табиий ривожланишига инсон қандай катта куч билан таъсир этаётганлиги ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишдир.

Инсоният, ҳақиқатдан ҳам В.И.Вернадский айтганидек, қудратли бир геологик кучга айланиб қолмоқда. Ернинг ландшафт қобиғида, унинг компонентлари орасида миллионлаб йиллар мобайнида юзага келган мутаносиблик, экологик мувозанатнинг ҳолати кўп жиҳатдан инсоннинг хўжаликдаги фаолияти миқёсига, унинг табиий ресурслардан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Барча тирик мавжудотлар қатори инсон ҳаётини ҳам атроф-муҳитсиз, табиатсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон организми кўп жиҳатдан табиий компонентлар: ҳаво, сув, ўсимлик, тупроқ, ҳайвонот ва ҳоказолар билан боғлиқ, у табиатдаги модданинг айланма ҳаракати доирасидадир ва унинг қонуниятларига бўйсунди. Бундан ташқари, инсон онгли мавжудотдир ва у ўз меҳнатини осонлаштириш ва юқори самарага эришиш учун турли меҳнат қуролларидан, техника кучидан фойдаланади. У бошқа организмлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий мавжудотдир, жамият аъзосидир. Шунинг учун унинг ҳаёти биологик омиллардан ташқари, кўпгина ижтимоий омиллар билан ҳам белгиланади.

Инсон бевосита ва билвосита ерга, тупроққа, сувга, ҳавога, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир этмоқда. Бу билан у ўз олдида қўйган мақсадларга эришмоқда. Аммо, баъзан ўзи кутмаган, айрим салбий оқибатларнинг юзага келишига ҳам сабабчи бўлиб қолмоқда. Бундай салбий оқибатларнинг баъзилари дунёвий тус олмоқда ва олимларни, жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Буни кейинги йилларда кўплаб нашр қилинган илмий асарлар, мақолалар, тўпламлар ва илмий-оммабоп нашрлардан ҳам кўрса бўлади. Инсоннинг хўжаликдаги фаолияти натижасида табиий географик шароитда рўй бераётган ўзгаришларни илмий таҳлил қилишга биринчи бўлиб уриниб кўрганлардан бири америкалик географ олим Ж.П.Маршдир.

Таниқли рус олимларидан В.В.Докучаев ва А.И.Воейковлар ҳам ўз асарларида инсон фаолияти натижасида табиий компонентларнинг ўзгаришини чуқур таҳлил қилиб кўрганлар. Бу масала кейинчалик ҳам табиатшунос олимларнинг эътиборидан четда қолмаган. Айниқса, Л.С.Берг (1915, 1931), А.Д.Гожев (1930), Л.Г.Раменский (1935, 1938) В.Н. Городков (1938) кабиларнинг ишларида ушбу мавзунинг фақат назарий томонларигина

таъкидланиб қолмасдан, балки инсон билан табиат алоқаларининг моҳиятини очиб беришга ҳам уриниб кўрилган.

### **3.2. Глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари**

Инсоният тараққиётида фан-техниканинг ривожланиши ва жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашиши оқибатида бутун дунёда турли хил экологик муаммолар юзага кела бошлади. Жумладан, озон туйнугининг юзага келиши, дунёнинг ўртача ҳаво ҳарорати меъеридан ошаётганлиги, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, дунё океани сатҳининг кўтарилиши, ичимлик сувининг етишмаслиги, уруш ва тинчлик муаммоси, тупроқларнинг шўрлашиши муаммоси, чўллашиш муаммоси ва ҳоказолар.

Экологик муаммолар кўламига кўра маҳаллий, регионал ва глобал муаммоларга бўлинади. Маҳаллий муаммоларни эътиборга олмасдан, уларга тегишли чора кўрилмаса регионал, бора-бора глобал муаммога айланиши муқаррар.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.<sup>5</sup>

### **3.3. Орол ва Оролбўйи муаммоси**

Ҳозирги кунда регионал экологик муаммодан глобал экологик муаммога айланиб улгурган Орол ва Оролбўйи муаммоси Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун кўплаб сув омборлари ва каналларнинг қурилиши, сувнинг буғланишга ва ер остига сизилишига сарф бўлиши, сувдан маиший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши натижасида юзага кела бошлади. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёлари – Амударё ва Сирдарё йилдан-йилга Орол денгизига кам сув келтира бошлади. Натижада денгиз сатҳи пасайиб, майдонининг қисқаришига олиб келди.

Орол денгизини суғоришни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўсишига қурбон қилиш ғояси инқилобдан олдинги олимларга тегишли. Хусусан, А.И.Воейков (1908 й.) оқилона хўжалик юритишда Орол денгизининг мавжудлиги ундан келадиган иқтисодий самарадорлик (балиқчилик, денгиз транспорти) суғорма деҳқончилик самарадорлигидан анча пастлиги туфайли мутлақо асоссиз, деган фикрда қатъий турган. Бу ғояни 1913 йилда олим эмас балки, собиқ Чор Россияси сув сектори раҳбари, Россия ерларни яхшилаш Департаменти раҳбари княз В.И.Масальский келтириб, у пировард мақсад “ўн миллионлаб гектар ерларга экин экиш ва рус саноатини зарурий пахта билан таъминлашни умумлаштириб, ўлканинг

---

<sup>5</sup>Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 112-113 б.


барча сув ресурсларидан фойдаланиш ва янги Туркистонни ташкил қилиш ” деб ҳисоблаган. 1929 йилда Ф.П.Моргуненков Амударё ва Сирдарё ҳавзасида суғориладиган майдонлар 3,5 млн. га етса, денгиз ҳажми 80 % га, майдони 68 дан 30 минг км<sup>2</sup> камаяди деган хулосага келади.

Орол денгизи Ўрта Осиёнинг ёгин энг кам ёғадиган Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта Бўрсик ва Кичик Бўрсик чўллари оралиғида, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида 43<sup>0</sup>30' ва 46<sup>0</sup>50' шимолий кенглик орасида жойлашган. У XX асрнинг 60-йилларигача сув юзаси майдонининг катталиги жиҳатидан Ўрта Осиёда биринчи, дунё бўйича эса Каспий денгизи, Шимолий Америкадаги Юқори кўл, Африкадаги Виктория кўлларида сўнг тўртинчи ўринда турган. Майдони ороллари билан бирга 66458 кв. км, узунлиги 428 км, эни 284 км, қирғоқ чизиғининг айланаси 3238 км, бўлган. Орол денгизида умумий майдони 2345 кв. км га тенг бўлган 313 та катта-кичик ороллар бўлган.

Орол денгизи оқмас берк кўл бўлиб, фақат унга икки дарё – Амударё ва Сирдарё қуйилади, ундан сув четга чиқиб кетмайди. Шунинг учун унинг сув сатҳи йилдан-йилга кўтарилиб бориши лозим эди. Лекин ҳақиқатда ундай эмас. Чунки Орол денгизининг сатҳи кўп йиллар мобайнида кўтарилиб ва пасайиб, сув сатҳи ўзгариб турган.

Текширишларга қараганда Орол денгизининг суви, асосан буғланиб кетиб, озгина қисми ерга сингийди, лекин унинг қанча миқдори ерга шимилиши номаълум.

Орол денгизи сувсиз чўл марказида жойлашганлиги, бу ерда ҳавонинг куруқлиги ҳамда анчагина кучли шамолларнинг эсиб туриши, денгизнинг саёзлиги туфайли сувнинг тез ва кучли исиши сабабли денгиз сувининг шунчалик кўп буғланишига сабаб бўлади.



Орол денгизида сув сатҳининг асрлар давомида кўтарилиб-пасайиб туриши кузатилади (чизма).

Чизмадан кўриш мумкинки, 1850 йилдан 1880 йилга қадар унинг сув сатҳи пасайган, 1880 йилдан бошлаб қайта кўтарилган. Умуман, кўп йиллик маълумотларга қараганда, сув сатҳи асрлар давомида кўтарилиб-пасайиб туришидаги фарқ 3,5-4 м га боради.

Орол денгизи саёз кўл бўлганлиги сабабли унинг ўртача чуқурлиги 16 метр, энг чуқур жойи эса 69 м. Сув ҳажми унча катта эмас, яъни  $1063 \text{ км}^3$  дан иборат бўлган. Денгиз дастлаб унча шўр бўлмаган, унинг ҳар литр сувида ўрта ҳисобда 10-11 грамм эриган тузлар бўлган.

1960-йилда Орол денгизининг сув сатҳи 53,41 метр бўлган ва шу йили максимал даражага етган. Амударё  $37,9 \text{ км}^3$  ва Сирдарё  $10,2 \text{ км}^3$ , ҳар иккала дарё  $49,9 \text{ км}^3$  сув олиб келиб қуяр эди. Орол денгизи арид иқлимда жойлашганлиги туфайли бу ерда буғланиш жуда юқори. Икки дарё  $49,9 \text{ км}^3$  сув олиб келган бўлса, буғланиш  $50-58 \text{ км}^3$  ни ташкил этар эди.

1961-йилдан бошлаб Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши тезлаша бошлади. 1961-1970-йилларда 2,0 м га пасайди, йилига ўртача 20 см га пасайиши жадаллашди. 1971-1980 ва 1981-1990 йилларда денгиз сатҳининг пасайиши 5,7 ва 7,2 м бўлиб, йилига 57 ва 72 см га камайган. Айрим йиллари эса сув сатҳи 1 м гача пасайган.

Орол денгизи сатҳи 30 йил (1961-1990 йй) ичида 14,8 м га пасайди. Сув ҳажми 3 мартага, майдони ҳам шунчага қисқарди. 1995 йилда ҳавза қарийб 2 м га тушди. Шундай қилиб, 35 йил ичида Орол сатҳи деярли 17 м га пасайган. Қирғоқ чизиклари ҳам йил сайин ўзгара бошлади. Бунинг натижасида баъзи ороллар ва кўлтиқлар куруқликка айланган.

Орол денгизи майдонининг қисқариши билан боғлиқ ҳолда ер ва сувдан фойдаланишни баҳолаш шуни кўрсатадики, иқлим ўзгариб, янада континенталлашмоқда, ёз янада иссиқроқ ва қисқароқ ёғинсиз ҳамда қиш янада совуқроқ, янада узунроқ ва қорсиз бўлмоқда. Ўсимликларнинг ўсиш даври йилига ўртача атиги 170 кунни ташкил этиб, шу билан бир вақтда кумли шамоллар йилнинг 90 куни давомида кузатилмоқда. Денгиз сувининг юқори даражада минераллашуви балиқ ва ёввойи фаунанинг катта қисмига салбий таъсир кўрсатмоқда. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди.

1988-1989 йилларда ҳавза иккига бўлинди: шимолий – Кичик денгиз (Кичик Орол) ва жанубий – Катта денгиз (Катта Орол). Кичик денгизга Сирдарёнинг камроқ оқими, Катта денгизга Амударё оқими келади. Кейинги пайтларда Кичик денгиз майдони кам ўзгарган, бу унинг сатҳи барқарорлашганидан дарак беради. Катта денгиз майдони қисқаришда давом этмоқда.

Кичик ва Катта денгизларни бирлаштириб турувчи аввалги Берг бўғози Кичик денгизнинг ортиқча сувини Катта денгизга ташлайдиган кичик етарлича узун оқимга айланди.

### Назорат саволлари:

1. Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари
2. Инсон табиат ўзаро алоқадорлиги масалалари
3. Глобал муаммолар таҳлили
4. Инсон ва ландшафт муносабатлари
5. Антропоген ландшафтшунослик муаммолари
6. Ҳозирги вақтда табиий географиянинг асосий вазифалари
7. Орол ва Оролбўйи муаммосининг салбий оқибатлари
8. Табиатдан оқилона фойдаланишда географиянинг аҳамияти
9. Глобал экологик муаммолар
10. Ўзбекистоннинг маҳаллий экологик муаммолари

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида. Тошкент ш., 1992 йил 9 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1993 йил 6 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида. Тошкент ш., 2004 йил 3 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1997 йил 26 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1997 йил 26 декабрь.
6. Goudie A. Physische Geographie. Germany. 2002.
7. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. Тошкент, - Университет, 1994.
8. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. Тошкент, - Университет, 1999.
9. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. T.: Turon zamin ziyo, 2016.
10. Zokirov Sh.S., Ibragimova R.A. Orol tabiiy geografik okrugi. Monografiya. T.: Mumtoz so'z. – 2015.
11. Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. 2007.
12. World Regional Geography (This text was adapted by The Saylor Foundation under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike 3.0 License without attribution as requested by the work's original creator or licensee). [www.saylor.org/books](http://www.saylor.org/books).
13. Gulomov P.N. Inson va tabiat. Toshkent, 2009.

## 4-мавзу: Ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари

### *РЕЖА:*

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг объекти ва предмети.
2. Дастлабки иқтисодий географик билимларнинг шаклланиши.
3. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёшларнинг илмий ғоялари ва иқтисодий география.
4. Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география.

**Таянч иборалар:** *Иқтисодий география, иқтисодий ва социал география, агломерация, инфраструктура, иқтисодий район, урбанизация, бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация (ҳамкорлик), комбинатлашув, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, система (тизим), иқтисодий географик ўрин, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, минтақавий сиёсат, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, комплекс, мажмуа, экология, демографик вазият, меҳнат ресурслари ва бозори, саноат тугуни, саноат райони, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш, миллий иқтисодиёт, хўжаликнинг ҳудудий таркиби ва тўзилмаси, хўжалик тармоқлари, геоиқтисод ва ҳ.к.*

### **4.1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг объекти ва предмети.**

Ҳар қандай фан сингари иқтисодий география ҳам ўз тадқиқот объекти ва ўрганиш предметига эга. Унинг объекти сифатида маълум бир жойнинг (мамлакат, район ва ҳ.к) хўжалиги, иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби, ҳудудий ишлаб чиқариш тизимлари, хизмат қилади. Бироқ, бу объект фақатгина иқтисодий географияга тегишли эмас, у жумладан иқтисодиёт учун ҳам шундай вазифани бажаради.

Фаннинг предмети, яъни нимани ўрганиши эса объектдан фарқ қилиб, у анча аниқликка эга. Шу нуқтаи назардан предмет объектга кўра торроқ, аммо аниқроқдир; у объектнинг муайян бир жиҳатини ўрганишга қаратилган. Масалан, иқтисодиёт ишлаб чиқариш корхона ёки тармоқлари қай даражада самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг хом ашё, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланиш ҳолати, молиявий ҳамда

моддий жиҳатларини ўрганса, иқтисодий география айнан шу масалаларни комплекс, яъни атрофлича ҳудудий нуқтаи назардан ўрганди. Бинобарин, бу фан учун ҳудудийлик ва комплекслик ниҳоятда муҳимдир.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий география фанининг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: “Иқтисодий география иқтисодий ва социал (ижтимоий) география фанининг бир қисми бўлиб, у турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларини жойлашув хусусиятлари ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганади. Берилган таърифда шундай сўзлар борки, улар унинг айнан географияга тегишли эканлигидан далолат беради. Чунончи, агар юқоридаги жумладан “турли мамлакат ва район” ёки “ҳудудий” тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда мазкур таърифнинг иқтисодий географияга тааллуқлиги қолмайди.

Демак, айтиш мумкинки, кўрсатилган сўзлар иқтисодий география фани таърифининг “эгаси” ҳисобланади. Унинг кесими эса “хусусиятлар” ва “қонуниятларни” аниқлашдан иборатдир. Дарҳақиқат, агар ҳар бир жойнинг ўзига хос бетакрор хусусияти асослаб берилмаса, ўрганилаётган ҳодиса ёки воқелик ҳудудий мажмуа шаклида кўрилмаса ва унинг шаклланиш, ривожланиш қонуниятлари очиб берилмаса у ҳолда иқтисодий география алоҳида, мустақил фан бўла олмайди. Зеро ҳар қандай фан ўзининг тадқиқот предмети, методология ва методикасига эга бўлган ҳолда албатта у қонуниятлар, ҳодиса ва воқеликлар орасидаги қонуний алоқадорликларни аниқлаши шарт. Акс ҳолда у фан эмас, оддий ўқув предмети бўлиб қолади.

Иқтисодий география учун ҳудуд, ҳудудий таркиб ва тизим, ҳодисаларнинг ҳудудий бирлиги ёки мажмуаси, ҳудудий иқтисодий алоқа ва муносабатлар асосий тушунчалар ҳисобланади. Бироқ, ҳар бир ҳудуд, жой бошқа жойдан фарқ қилиши лозим. Шу боис, машҳур олимлар айтганларидек “ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак”.

Чиндан ҳам, ер юзининг барча жойида айнан бир-бирига ўхшаш саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик экинлари, шаҳар ва қишлоқлар йўқ; аҳоли жойлашуви ҳам бирдай эмас. Модомики шундай экан, демак ҳудудий фарқ бор, бир жойнинг иккинчи жойга мутлоқ ўхшамаслиги аниқ. Бу эса бевосита иқтисодий географияни қизиқтиради. Қолаверса, агар ҳамма жой бир хил рельеф шаклидан (текислик ёки тоғликдан) бир хил хўжалик ихтисослашувидан ташкил топганда эди дунёнинг ўзи ҳам бўлмасди.

Масалан, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида пахта экилади. Агар талабалар вилоят иқтисодий географиясини таърифлаганларида фақат шу билан чекланишса, уларнинг жавоблари “қолибли”, қуруқ, барча жойга тегишли, зерикарли бўлиб қолади, юқоридаги шартга тўғри келмай қолади. Бинобарин, бир ҳудуднинг иккинчи ҳудуддан фарқи очиб берилиши лозим; ҳатто пахта тўғрисида сўз юритилганда ҳам унинг турли вилоятдаги фарқи, қандай жойда етиштирилиши, нави, ҳосилдорлиги, янги ёки эски ўзлаштирилган жойларда экилиши каби ҳудудий хусусиятлари ёритилиши талаб этилади.

Кўриниб турибдики, география ҳамма вақт ҳудудий тафовут, ҳудудий



тенгсизлик билан иш тутади; унинг учун маконнинг турли туманлиги муҳимдир. Худди шундай, тарих учун даврнинг, ўтган кунларнинг бирига мутлоқ ўхшамаслиги, замоннинг, жамият тараққиётининг айнан бундай кечмаслиги катта аҳамиятга эга. (агар ўтган кунлар бирдай бўлганда эди, даврлар ҳам ажралмасди, тарих фанининг ўзи ҳам бўлмасди.)

Иқтисодий географияда ўрганилаётган ҳодиса аввал алоҳида-алоҳида таҳлил этилади, сўнгра биргаликда кўрилади, ҳудудий мажмуа шаклида умумлаштирилади. Масалан, саноат географиясида аввал саноат корхоналари ва тармоқлари сўнгра саноат тугун ёки районлари ўрганилади; шаҳарлар географиясида даставвал алоҳида шаҳарларнинг вужудга келиши ва жойланиши кўриб чиқилиб кейинчалик улар маълум ҳудудий birlikда-шаҳарлар агломерацияси ёки уларнинг бошга тизимларида ривожланиш қонуниятлари ёритилиб берилади, ва ҳ.к.

Мазкур фаннинг уч асосий ҳудудий шакли, “геометрияси” мавжуд; улар ареал (майдон), нукта ёки тугун, лента ёки тасмасимон бўлади. Биринчи шаклга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мос келади, иккинчи саноат, аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясига, учинчиси транспорт географиясига тегишлидир. Демак, нукта, чизиқ, майдон ва улар орасидаги ҳудудий алоқа, муносабат иқтисодий география фанининг туб мазмунини ташкил этади.

Иқтисодий географиясининг асосий тадқиқот йўналишлари сифатида ўз аксини топган. Жумладан, бу фан энг аввало ишлаб чиқариш, транспорт, аҳоли ва табиий бойликларни алоҳида ўрганади, шунга мос ҳолда ишлаб чиқариш, аҳоли, транспорт ҳамда табиий ресурсларнинг ҳудудий таркиби (тизими) ажратилади.

Булардан ташқари оралиқ йўналишлар ҳам мавжуд:

1. Аҳоли ↔ ишлаб чиқариш;
2. Ишлаб чиқариш ↔ транспорт;
3. Транспорт ↔ табиий бойликлар;
4. Аҳоли ↔ табиий бойликлар;
5. Аҳоли ↔ транспорт;
6. Табиий бойликлар ↔ ишлаб чиқариш;

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий география алоҳида соҳаларни ўрганишда анча ютуқларга эга. Аммо оралиқ (қирравий) йўналишлар ҳозирча сустроқ тадқиқ этилган ва уларни ривожлантириш мазкур фаннинг истиқболида катта аҳамиятга эга.

Яна шуни эътиборга олмақ лозимки, ушбу ўқув курси фақат иқтисодий географияни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам берилган таърифда у иқтисодий ва социал ёки жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий географиянинг бир бўлаги тарзида келтирилган. Бинобарин, иқтисодий география социал-иқтисодий ва социал географияга<sup>6</sup> ўхшаш ижтимоий

---

<sup>6</sup> “Социал” ва “Ижтимоий” тушунчалар кўп ҳолларда айнан бир мазмунга эга эмас.

географиянинг бир қисмидир. Ўз навбатида бевосита иқтисодий географиянинг таркиби саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, табиий ресурслар каби иқтисодиёт, ишлаб чиқариш билан боғлиқ география йўналишлар киради. Айни вақтда иқтисодий география ижтимоий географиянинг қолган блоклари (қисмлари) билан ҳам алоқадор.

Иқтисодий география ижтимоий географиядан ташқарида бошқа географик фанлар ва энг аввало табиий география билан боғлиқ. Табиий ва ижтимоий география инсон ва табиат, табиат ва жамият жуфтлигини акс эттирган ҳолда ягона ёки умумий географияни ташкил қилади. Аммо улар орасида фарқ ҳам йўқ эмас. Чунончи, ижтимоий шу жумладан иқтисодий география учун жойлашув хосдир, чунки бу фан турли иқтисодиёт соҳаларнинг жойлашув хусусиятларини ўрганади. Табиий географияда эса табиий компонентларнинг ер юзида жойлашуви эмас, балки уларнинг вужудга келиш қонуниятлари, табиий географик жараёнлар таҳлил этилади, баҳоланади ва башорат қилинади.

Иқтисодий география ҳодиса ва воқеликларни ўз тадқиқот доирасида ўрганар экан у муайян усул (метод) лардан фойдаланади. Улар, энг аввало, картографик, географик таққослаш, статистик, тарихий, кузатув, моделлаштириш ва бошқалардир.

Маълумки, географик фикрлашни ҳудудсиз ва уни харитада тасвирлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, харитани географияни “тили” ҳам дейишади. Қолаверса, географик билимнинг чегераси айнан ана шу ўрганилаётган ҳодисанинг ҳудудийлиги ва уни харитага тушира олиши билан ифодаланади.

Географик таққослашнинг ҳам аҳамияти катта, чунки таққосламасдан туриб ўрганилаётган жойнинг хусусияти, бетакрорлигини аниқлаб бўлмайди. Бу эса иқтисодий географиянинг асосий предмети, мақсадидир. Масалан, Ўзбекистоннинг ўзига хослигини фақат жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа давлатлар билан таққосланган ҳолда аниқлаш мумкин, холос.

Таққослаш икки умумий ҳолатига кўра ўхшаш ва ноўхшаш объектлари асосида олиб борилади. Таҳлил жараёнида ҳар икки таққосланаётган объект бир-бирдан узоқлашиб, уларнинг ўзаро фарқи кўпайиб бораверади ва натижада бу икки воқеликнинг ўзига хос, индивидуал хусусиялври яққол намоён бўлади. Бироқ, ушбу методдан фойдаланишнинг энг муҳим талаби шундаки, таққослаш айни вақтда (синхрон) параллел ҳолда (бирин-кетин эмас) амалга оширилади. Иккинчидан, таққосланаётган объектлар кўлами бўйича мумкин қадар бир-бирига тенгроқ бўлиши маъқул. Шу боис Ўзбекистонни АҚШ билан ёки Бўка шаҳрини Тошкент билан таққослаш унчалик тўғри бўлмайди.

Модомики, иқтисодий география рақам ва кўрсаткичлардан иборат экан унинг учун стратегик метод ҳам муҳимдир. Ушбу методда жадвал ва график, диаграмма, турли кўрсаткич (индекс, коэффициент, процент, промилле ва б.) ва гуруҳлаш усуллари билан фойдаланилади.

Иқтисодий география, умуман географиянинг энг асосий хусусияти шундаки, ҳар бир воқелик ёки жараён албатта қаердадир ва қочондир, яъни муайян макон ва замонда содир бўлади. Бинобарин, тарих билан география, хронологик ёндашув билан хорологик (худудий) ёндошув ажралмас, диалектик дунёқарашнинг мукамал бирлигидир. Тарих тугаган жойдан география бошланади, бугунги география эртанги кун учун тарихдир, тарих эса ўтмишнинг географияси ҳисобланади; тарихни тўғридан-тўғри кўриб бўлмас, географияни-эшитиб. Шу нуқтаи назардан географиянинг тарихини тарихий географиядан фарқ қила олиш керак.

Географияда тарихий методдан фойдаланишда ўтмишнинг барча “икир-чикирларига” эътибор берилмасдан, ҳозирги географик воқеликнинг вужудга келишига сабаб бўлган муҳим тарихий омиллар кўриб чиқилади. Шунинг учун бу ерга география оддий тарихга айланмаслиши лозим.

Шунга ўхшаш иқтисодий географик билим ва фикрлашнинг шаклланишида кузатиш, анкета-сўров, турли хил башорат қилиш усуллари ҳам катта аҳамият касб этади. Бундай билим фақат “нима қаерда?” саволларига эмас, балки “нимага айнан шу жойда жойлашган?” саволига ҳам жавоб бера олишни ўз ичига олиши керак.

Бундан ташқари, ҳар қандай билим сингари иқтисодий географик билим ҳам уч асосий қисмдан ташкил топган. Бу ҳам бўлса тахлил (анализ), ташхиз (диагноз) ва башорат (прогноз)дир. Афсуски, ҳозирги иқтисодий география кўпроқ факт ва рақамларни ёдлаб олиш, микдорий кўрсаткичлар ёки номенклатур масалалар тўғрисида маълумот беради, холос, ҳодиса ва воқеликлар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқадорлиги, қонуний боғланишлар эса эътибордан четда қолади.

Шу ўринда картографик метод тўғрисида ҳам айтиш лозимки, харитани билиш географиянинг асосий мақсади эмас, балки у асосий мақсадга эришиш учун восита, курул, усулдир. Қолаверса, харитани билиш фақат географлар учун эмас; у барча ўзини саводли ҳисобланганларга ҳам зарурдир.

Иқтисодий географиянинг асосий вазифалари, давр талабга мос ҳолда, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши ва жаҳон геосиёсий тизимидаги ўзгаришлардан келиб чиқади. Шулардан келиб чиқиб, талабалар иқтисодиёт тармоқларининг жойланиш ва ривожланиш қонуниятларини мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг мустаҳкамланиш, унинг худудий хусусиятлари, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши каби масалаларни билиб олишлари зарур.

Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий аҳамияти энг аввало халқаро меҳнат тақсимооти, иқтисодиётнинг глобаллашуви, интеграция жараёнлари, турли мамлакатларда минтақавий сиёсатнинг амалига ошириш йўллари, ишлаб чиқаришин худудий ташкил этишнинг экологик муаммолари, урбанизация ва шаҳарлар ривожланиши тўғрисида илмий ғоя ва тушунчаларни яратишдан иборат. Бундан ташқари, ушбу фаннинг дунёвий ва диний, маданий, маърифий аҳамияти ҳам катта. “Ватанни севмоқ иймондандир” дейишади. Бу ҳақ гап. Аммо Ватанни севиш унинг ички жиҳатлари, имконият ва бойликлари, шаҳар ва қишлоқлари, воҳа ва

водийлари, тоғ ва текисликлари, иқтисодиётнинг ихтисослашувига ўхшаш хусусиятларини, бетакторлиги ва жозибалигини, геосиёсий мавқеи ҳамда жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини чуқур англамоқ талаб этилади. Шу нуқтаи назардан иқтисодий географиянинг тарбиявий, ватанпарварлик аҳамияти ҳам беқиёсдир.

#### 4.2. Дастлабки иқтисодий географик билимларнинг шаклланиши.

Одатда, у ёки бу фаннинг вужудга келиши учун ижтимоий талаб, эҳтиёж ёки “бююртма” бўлиши керак. Бундан олдин эса шу фанга тегишли турли ахборий маълумотлар, объектив борликдан олинган, тўпланган дастлабки билимлар ва тахминлар шаклланади, сўнгра турли воқеликлар орасидаги сабаб-оқибат муносабатлари ҳамда маълум шароитда такрорланиб турадиган қонуният алоқадорликларни асослаш имконияти туғилади. Демак, объектив борликни кузатиш, мушоҳада қилиш тез-тез учрайдиган воқеаларни таҳлил қилиш негизида муайян фанга доир билимлар мажмуаси вужудга келади, улар аста-секин илмга ва фанга айланади.

Ҳар қандай фан ҳуқиқий фан мақомига эга бўлиши, шаклланиши учун ўзининг объекти, предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча, категория ва қонуниятлари, мактаб, марказ ва йўналишларига салмоқли илмий асарлар, тадқиқотларга эга бўлиши ва унинг бошқа фан вакиллари томонидан тан олинishi талаб этилади. Шунингдек, мазкур фаннинг ўқув предмети сифатида ўқитилиши, махсус факультет, кафедра ёки лабораторияларнинг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий география фани ҳам юқоридаги шарт-шароитлар, объектив заруриятлар асосида вужудга келган ва ривожланиб борган. Дастлаб “**иқтисодий география**” тушунчасини буюк рус қомусий олими М.В.Ломоносов XVIII аср ўрталарида ишлатган, уни фан ва муомалага киритган (“табиий география” тушунча ва фаниниг асосчиси машҳур немис олими А.Гумбольд ҳисобланади). Бироқ, у даврда иқтисодий география фани шаклланмаган, фақат шундай атама ёки тушунча пайдо бўлган, холос.

Мазкур фаннинг аниқ бир тузилган йили жойи маълум эмас. Ҳар ҳолда тадқиқотлар кўрсатишича, у XIX асрнинг биринчи ярмида, асосан Германияда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган.

Иқтисодий география фанининг шаклланиш жараёни унинг асосий тушунчаларини пайдо бўлиши ва ривожланиши билан содир бўлган. Масалан, бу фаннинг “**пойдеворини**” энг аввало ҳудудий меҳнат тақсимооти ҳамда иқтисодий районлаштириш таълимотлари ташкил қилади. Бинобарин, иқтисодий географиянинг тарихини айнан ана шу икки назарий тушунчалар белгилайди. Жумладан, Ю.Г. Саушкин айтишича, иқтисодий география фанинг тарихи-бу иқтисодий районлаштиришдир. Агар ана шундан келиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий география фанининг яратилишида рус олими К.И.Арсеньевнинг хизматлари ҳам буюк бўлган. (у 1818 ҳамда 1848 йилларда

Россияни иқтисодий районларга ажратган).

Умуман олганда мазкур фаннинг шаклланиш ва ривожланиши Ўзбекистон нуқтаи назардан келиб чиққан қолда 3 асосий даврга бўлиш мумкин: советларгача, совет даври ва мустақиллик йиллари.

**Биринчи давр.** Иқтисодий географияга доир маълумот ва билимларнинг шаклланиши, унинг фан сифатида вужудга келишини ўз ичига олади (тахминан XX асрнинг 20-йилларигача).

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий географик мазмунга эга бўлган маълумотлар ўзимизнинг юртимизда ҳам бўлган. Бундай маълумотлар ватандошларимиз Беруний, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Бехбудий асарларида бор, (аммо бу ва бошқа олимларнинг географик мерослари яхши ўрганилмаган). Шу билан бирга кўпгина иқтисодий географик маълумотлар Хитой ва Араб сайёҳларининг китобларида ҳам мавжуд. Улар асосан юртимиздаги савдо, ҳунармандчилик ва айниқса бозорлар ва шаҳарларга катта эътибор беришган. Айтиш лозимки, айнан ана шу шаҳар ва бозорлар тафсилоти орқали ўлкамизнинг ўша даврдаги иқтисодий тарихий географияси билиб олишимиз мумкин.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти кенг кўламда XIX асрда, айниқса капитализм даврининг бошланиши билан боғлиқ йирик саноат ишлаб чиқариши қамда ҳалқаро савдо-сотиқ ва транспорт тизими асосида ривожланиб борди. Бу эса иқтисодий маконнинг ички турланишига ва, айтиш вақтда иқтисодий географик билимларга бўлган эҳтиёжларга олиб келди.

Шу билан бирга Буюк географик кашфиётлардан сўнг Ер шарида очилмаган жой қолмади. Энди геотизим ўзининг берк хусусиятини олди. Бу эса шакланиб бўлган жаҳоннинг геоиқтисодий ва геосиёсий маконни мамлакат ва минтақалар доирасида чуқур ўрганишни долзарб қилиб қўйди, экстенсив оддий-кузатиш ва танишишдан интенсив илмий тадқиқотларга, худудий таҳлил, ташхис ва башорат қилишга ўтилди.

1749 йилда немис Н.Анхенвал статистика тўғрисида ўз китобини нашр эттиради ва ушбу фанга асос солади. Унинг статистикаси мамлакат ҳаётига оид барча миқдорий кўрсаткичларга (давлат чегараси, майдони, аҳолиси, армияси, қазилма бойликлари ва ҳ.к.) бағишланганлиги сабабли у давлатшунослик (state - штат, яъни давлат), камерал статистика мазмунига эга эди. Германия статистикасида факт ва рақамлар жуда кўп, бўлиб, у энг аввало мамлакат ҳаётини миқдор жиҳатидан тасвирлаб берарди, холос (“описательная статистика”). Шу сабабдан унинг тахлилий, илмий аҳамиятига кўра ахборий томонлари кўпроқ бўлган.

Деярли шу даврда инглиз иқтисодчиси У. Петтининг ҳам статистика тўғрисидаги асари чоп этирилади. Унинг бу китобида мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаёти ва савдо-сотиқ билан боғлиқ маълумотларга, уларнинг тахлилига ҳамда айрим қонуниятларга эътибор берилган. Демак, Петти статистикасининг, аниқроғи математик статистикасининг фанга яқинлиги анча юқори (уни баъзилар “сиёсий арифметика” деб юритишган).

Бизнинг тахминларимизга кўра немис статистикаси кейинчалик иқтисодий географияга, инглиз статистикаси эса аввалги сиёсий иқтисод-

hozirgi iqtisodiy nazariya fanlariga asos бўлиб хизмат қилган. Айнан немис статистикаси таъсирида Россияда ҳам статистика ва иқтисодий география фанлари шаклланди.

География ва шу жумладан иқтисодий географиянинг вужудга келишида географик детерминизм йўналиши ҳамда немис олими Ф.Ратцелнинг “Антропогеография” ва “Сиёсий география” китоблари ҳам қисман сабабчи бўлган. Айниқса, бу борада Геограманияда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан боғлиқ тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Жумладан, И.Тюнен (1826 й.) қишлоқ хўжалигини шаҳар атрофида ҳалқасимон жойлаштириш, А.Вебер (1909 й.) саноат корхоналарини турли омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳудудудий ташкил қилинишни ўрганишган. Кейинчалик уларнинг ватандошлари В.Кристаллер ва А.Лёшлар аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш ва умуман хўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этишни тадқиқ қилишган; А.Лёш ( XX аср 40-нчи йиллари) иқтисодий ландшафт ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, иқтисодий районлар, бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликни жойлаштириш масалаларини чуқур ва атрофлича таҳлил этган.

Шундай қилиб, иқтисодий географиянинг фан мақомида шаклланишида немис статистикаси ва “штандорт“ (жойлаштириш) йўналишининг аҳамияти катта бўлган. Қолаверса, дунёда илк бор география факультети ва кафедралари ҳам айнан Германия олий ўқув юртиларида ташкил этилган.

Таъкидлаш лозимки, Германияда вужудга келган бу илмий йўналишлар Россияга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Чунончи, В.Н.Татишев (XVIII аср) каби рус олимларининг тадқиқотлари асосан немис статистикаси ва географияси руҳида олиб борилган. 1820 йилларда Петербург университетининг тарих факультетларида дастлабки ташкил этилган кафедраларнинг номи ҳам “география ва статистика” деб аталган. Бевосита иқтисодий география фани учун эса К.И.Арсеньев Россияни иқтисодий районлаштириши тўғрисидаги ишлари катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиш мумкинки, биринчи даврда иқтисодий география фанининг вужудга келишига замин яратилган. Аммо айнан шу номда бу фаннинг расмий пайдо бўлиши кейинроқ содир бўлган. Чунончи ”иқтисодий география” номи илмий журнал АҚШда, шу номдаги кафедра Германия ва Россияда XX асрнинг биринчи чорагида ташкил қилинган.

Ўзбекистонда иқтисодий география фанининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ўрганишда собиқ Совет даврини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Бу даврда мазкур фан, асосан немис мактаблари таъсирида, аввал Петербургда ривожланиб борган. Унда соф иқтисодий ва хусусан тармоқ ҳамда статистик рақамларга кўп аҳамият берилганлиги сабабли иқтисодий географияда “тармоқ-статистика” йўналиши устувор бўлган. Шунинг учун бўлса керак XX асрнинг 20-нчи йилларида иқтисодий география иқтисодиёт фанлари тизимида киритилган.

Албатта, фанни фақат рақамлар билан тўлдириш ва географияни фақат тармоқлар таҳлили билан тушунтириш мақсадга мувофиқ эмас. Бинобарин,

асосий маълумотларни иқтисодчи бўлган Бернштейн-Коган ва Н.Н.Баранскийлар иқтисодий географиянинг худудий жиҳатларига кўпроқ аҳамият беришнинг тарафдорлари бўлиб чиқишган ва натижада улар иқтисодий географияни районлар йўналишини кучайтиришган. Демак, иқтисодий география янада географийлаштирилган, районлар таърифи ва тавсифига катта урғу берилган. Эҳтимол бу ҳолат иқтисодий географияни иқтисодиёт тизимидан география фанлар блокига киритилишига сабаб бўлган.

Иқтисодий география Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллардаги хўжаликни қайта тиклаш ишларида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Шу нуқтаи назардан 20-нчи йилларда Москвада ташкил этилган КЕПС (“Комитет по использованию природнўх ресурсов”) ва унинг асосида СОПС (“Совет по изучению производительнўх сил”) нинг вужудга келиши ниҳоятда муҳим бўлган. Ушбу илмий-тадқиқот ташкилотлари мамлакатнинг турли худудларида табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича концепция ва схемаларни яратганки, моҳиятан бу ишлар иқтисодий география фани доирасида олиб борилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясидаги СОПС ҳам бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва 1940 йилда Тошкент Давлат Университети - ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетида очилган иқтисодий кафедра олимлари билан ҳамкорликда йирик худудий-иқтисодий тадқиқотларни бажарган. Масалан, Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, Ангрэн-Олмалик, Бухоро-Навоий, Қашқадарё, Мирзачўл, Қуйи Амударё худудий ишлаб чиқариш мажмуалари тўғрисидаги ишлар шулар жумласидандир. Мазкур тадқиқотларни амалга оширишда С.К.Зиёдуллаев, В.И.Четиркин, Черданцев, К.Н.Бедринцев, К.И. Лапкин, В.И.Попов, З.М.Ақромов, Ш.Н.Зокиров, И.И.Искандеров каби олимларнинг хизматлари катта бўлган.

Собиқ Иттифоқ даврида иқтисодий география фанининг ривожланишида Москва, Петербург, Киев, Қозон, Пермь, Иркутск, Воронеж, Боку, Тбилиси, Тошкент, Олма-Ота ва бошқа шаҳарлардаги университетларнинг роли муҳим бўлган. Айниқса, бу хусусда, Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский, Б.Н.Семевский, О.А.Константинов, В.В.Покшишевский, Ю.Г.Саушкин, И.А. Витвер, И.М. Маергойз, С.Б. Лавров, А.Т.Хрушев кабилар жуда самарали хизмат қилишган.

Ўзбекистонда, асосан ТошДУ нинг иқтисодий география кафедрасида икки илмий йўналиш шаклланиган: Ушбу йўналишлар билан алоқадор бўлган иқтисодий районлаштириш, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация жараёнининг минтақавий муаммолари, аҳолишунослик (демография) масалари ҳам кенг тадқиқ қилиб борилган, қатор илмий ва илмий-амалий анжуманлар ташкил этилган. Республикада аста-секин илмий мактаб ва марказлар ҳам шаклланиб борган ва бу борада З.М. Ақромов, М. Корахонов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, А.Н.Рўзиев, Х.С.Салимов, А.А.Қаюмов ва бошқа олимлар катта хизмат қилишган.

Ўрта мактабга доир дарсликлар аввал Н.Г. Цапенко ва Н.В. Смирнов,

кейинчалик З.Ақромов ва П.Мусаевлар ҳаммуаллифликда ёзилган. Тошкент, Фарғона, Нукус, Самарқанд, Наманган, Термиз, Қарши университет ва институтлари ўрта ва олий мактаблар учун кўпгина мутахассислар тайёрлаб беришган. Собиқ шўролар даврида юқоридаги олимлардан ташқари, Т.Раимов, Г.Асанов, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, О.Абдуллаев, М.Янгибоев, Т. Маллабоев, Т. Жданов, Е.Умаров, И.Сафаров, М.Бўриева, М.Юсупов, Т.Р.Тиллаев, Ш.Имомов, Н.Султонов, А.Содиқов ва бошқа бир неча ўнлаб кишилар илмий даража олиш учун ўзларининг диссертацияларини ҳимоя қилганлар.

Кўрилатган даврда ижтимоий география фанининг таърифи ҳам ўзгариб, замон талабига мослашиб борган. Масалан, агар у аввал иқтисодий география турли мамлакат ва районлар хўжалигини, ишлаб чиқариш кучларини жойланиш хусусиятларини ўрганувчи фан ҳисобланса, кейинчалик унинг предмети ҳудудий ишлаб чиқарувчи мажмуалар, жамиятни ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш билан тавсифланди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида иқтисодий география собиқ СССР да расман “иқтисодий ва социал география” номини олди. Табиийки, унинг илгариги таърифи, ишлаб чиқариш географияси эканлиги шароитида тўғри келмай қолди. Шунинг учун анъанавий иқтисодий географиянинг таърифи ижтимоий, ноишлаб чиқариш соҳалари, аҳолининг турмуш шароити ва тарзининг ҳудудий жиҳатлари билан бойитилди.

Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география янги сиёсий ва иқтисодий шароитда ривожланиб келмоқда. Энг аввало таъкидлаш лозимки, мазкур фаннинг асосий ғоя ва тушунчалари ҳудудий меҳнат тақсимооти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва бошқалар илмий аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб қолган, уларга фақат “коммунистик” дунёқараш, ўта марказлашган тоталитар тизимни планлаштириш принципларидан ҳоли ҳолда ёндашув керак, холос.

Иқтисодий география фанининг мустақиллик давридаги ривожланиши мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши билан белгиланади. Шунингдек, бу фаннинг янги вазифалари ҳам вужудга келди. Улар жумласига Ўзбекистоннинг ёқилғи энергетика, дон, йўл (транспорт) мустақиллигига эришиш, қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиб бориш, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсат, иқтисодий географиянинг экологик муаммолари ва бошқа долзарб масалаларни ўрганиш киради.

Республика олимлари иқтисодий географияда сиёсий, ижтимоий, тарихий, экологик йўналишларни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқдалар. Буларнинг натижасида ноананавий мавзулар, чунончи, аҳолига хизмат кўрсатиш, фан ва илмий тадқиқотлар, тиббиёт географияси бўйича номзодлик диссертациялари муаффақиятли ёқланди, сиёсий, жиноятчилик, рекреация ва халқаро туризм географияси бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Кўрииб турибдтики, Ўзбекистонда ҳам иқтисодиёқ география



“фронтал” ривожланиб, бошқа, жаҳоннинг илғор мамлакатларида бўлганидек, аста-секин кенг маънодаги ижтимоий географияга айланди. Шу билан бирга унинг таркибий қисми ҳисобланган иқтисодий география мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни тадқиқ қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб бормоқда.

Иқтисодий географик тадқиқотлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Ўз ФА география бўлими, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Нукус, Термиз университетларида, Тошкент молия институтида олиб борилмоқда. Ушбу фаннинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси География жамиятининг хизмати ҳам беқиёсдир. Айни вақтда мамлакатимизнинг етук олимлари, илмий мактаб ва маказлари хорижий давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари) билан ҳам алоқада тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга иқтисодий география фани олдида турган вазифалар ҳам кўп. Улар энг аввало мазкур фаннинг янги шароитда назарий масалаларини ўрганиш, унинг обрў ва нуфузини кўтариш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий томонларини чуқур тадқиқ қилиш ва бу борада илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, умумтаълим ва олий ўқув бртларига, коллеж ва академик лицейларга ўқитувчиларни ҳамда уларга замонавий ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлашдан иборат.

Ҳозирги ўзгарувчан ҳаётда иқтисодий географиянинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. У ҳаракатдаги дунёни, халқаро, миллий ва минтақавий иқтисодиётни турли миқёсда ўрганади, юксак географик маданият ва географик фикрлашни шаклланишига катта хизмат қилади.

#### **4.3.Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёшларнинг илмий ғоялари ва иқтисодий география.**

Умуман олганда, жаҳон бўйича иқтисодий географияга назарий асос сифатида хизмат қилувчи илмий ишларнинг яратилишида немис олимларининг хизмати катта. Масалан, XIX аср бошларида Й.Тюнен (1826 й.) қишлоқ хўжалигини жойлашувига доир назарий ишлар яратган. У истеъмолчи, яъни бозорга нисбатан қишлоқ хўжалик экинларини шаҳар атрофида ҳалқасимон жойлашувини илмий жиҳатдан аниқлаб берди ва фан тарихида қишлоқ иқтисодиётининг асосчиси сафатида ҳақли ўрин олди.

Бошқа немис олими А.Вебер XX аср бошларида (1909 й.) саноат географиясининг пойдеворини яратди. У саноат корхонасини кам ҳаражат қилиш тамойилига таяниб, унинг қаерда жойлашувини белгилади. А.Вебер номи билан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари, саноат агломерацияси, агломерацион самарадорлик, "штандингорт" каби илмий тушунчалар боғлиқ. Қизиғи шундаки, бу олим немис миллатига хос ва мос

фикр юритишга содиқ бўлган ҳолда кўпроқ йирик масшабли (микроиктисод) ишлар билан шуғулланди. Масалан, у ўз илмий ғоясини пиво заводини жойлаштириш мисолида таҳлил қилган эди.

Агар Тюнен ва Веберлар асосан моддий ишлаб чиқариш соҳалари - қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарини жойлаштириш масалалари билан шуғулланганлар бўлсалар, бошқа немис олими А.Лёш бу муаммога янада кенгроқ қаради. У умуман хўжалиқни географик жойлаштириш тўғрисида илмий ишлар олиб борди. Кейинчалик бу йўналиш бошқа немис иқтисодчиси В.Кристаллер томонидан маиший хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил этиш, бу соҳа шохобчаларини турли йирикликдаги марказларга жойлаштириш ("марказий ўринлар" ёки жойлар ғояси) муаммоларини ишлаб чиққан эди.

Қисқача қилиб айтганда, И.Тюнен ва, айниқса, А.Вебер, А.Лёшлар иқтисодиётнинг ҳудудий томонига, геоиктисодга, ишлаб чиқаришни ҳудудий таҳлил этишга кўп эътибор бердилар, "ҳудудий иқтисод"ни яратдилар. Аммо улар "иқтисодий география" тушунчасини қўлламаган эдилар. Хорижда биринчи бор **"иқтисодий география"** тушунчаси (фани амас), Ю.Г.Саушкин фикрича, 1882 йилда Ф.Ратцелнинг шогирди немис В.Готц томонидан ишлатилган экан.

Ўз-ўзидан маълумки, иқтисодий жараённинг ҳудудий томонини, унинг жойлашувини ўрганиш иқтисодий районлаштириш масаласига олиб келади. А.Лёш бу маънода **"иқтисодий ландшафт"** иборасини қўллаган эди. Лекин иқтисодий районлаштиришнинг назарий масалалари кенгроқ ва чуқурроқ Россияда XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ ишлана бошланди. Бу борада айниқса К.И.Арсеньевнинг фаолияти бениҳоят катта бўлган. Шу боис у кишини Ю.Г.Саушкин жаҳон миқёсидаги биринчи профессионал иқтисодий географ деб атаган эди. К.И.Арсеньев Россияни икки марта районлаштирди (1818 ва 1848 йй.), шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг функционал ва генетик типлари тўғрисида илк бор асарлар яратди. Бинобарин, айтиш мумкинки, иқтисодий районлаштириш ва шаҳарлар географиясини яратувчи шахс ҳам айнан у киши эди. Аҳоли жойлашуви ва шаҳарлар муаммоси билан В.П.Семеонов, А. Воейковлар ҳам XX аср бошларида шуғулланган эдилар.

Шундай қилиб, Ғарбий Европа ва энг аввало Германияда ишлаб чиқаришни жойлаштириш (штандинг), "ҳудудий иқтисод" буйича илмий асарлар ва мактаблар яратилди. Россияда эса кўпроқ статистика, иқтисодий районлаштириш, аҳоли ва шаҳарлар географиясига оид ишлар олиб борилди. Шу билан бирга иқтисодий географияни ёки унга асос бўлган фан йўналишларининг вужудга келишида бошқа олимларнинг хизмати ҳам сезиларли бўлган. Чунончи, немис олими географ ва социолог Фон Ратцель ўзининг петропегеографиясини яратган<sup>7</sup>, сиёсий география ва географик детерменизмга мансуб ишлар олиб борган бўлса, ундан кейинроқ француз

---

<sup>7</sup> Антропогеография кўпроқ ҳозирги аҳоли географиясига яқинроқ бўлиб, у инсон фаолиятини барча географик ҳодисалар доирасида таҳлил этган, жамият тараққиётида табиий омилларга етакчи ўрин берилган.

Видадь де ла Блaш "Инсон географияси"нинг асосчиси бўлган. Унинг бу илмий мактабини Ратцель антропогеографиясидан фарқи шундан иборатки, у сиёсий масалаларни чиқариб ташлаган ҳолда кўпроқ инсон ва унинг фаолиятини атроф географик муҳитга мослашуви, мувофиқлашувига (посибелизмга) эътибор берган ва табиий географик омиллар - энг аввало иқлим шароитларининг жамият ривожланишидаги ролини бироз "юмшатган".

Кейинчалик Ратцель ғоялари асосида географик детерменизмнинг сиёсий ғоялар билан бойитилиши, сингдирилиши натижасида ўта реакцион географик сиёсат (геополитика) вужудга келган. Аммо, бу маънодаги анъанавий географик сиёсатни регионал ёки ҳудудий сиёсат, ҳозирги географик сиёсат билан тенглаштириш нотўғри.

Иқтисодий география ва умуман география фанини ривожланишида немис олими А.Геттнернинг (1859-1941 йй.) ҳам маълум даражада хизматлари йуқ эмас. Бироқ у асосий эътиборни ҳудудга берган ва географияда тарихийлик тамойилига қарши чиққан, география фақат ҳозирги ҳудудий воқеликни ўрганишини уқтирган. Шу боис А.Геттнер географияси "хорология" (яъни ҳудуд) тамойилига асосланган.

Шунингдек, иқтисодий географияга тегишли илмий муаммолар бошқа давлат олимлари ва турли миллий мактаблар томонидан ҳам ўз ечимини топган. Бу борада швед, инглиз, америка ва бошқа олимлар ишларини кўрсатиш ўринли. Масалан, инглиз Г.Г.Чизхольмнинг ўтган аср охирларида ёзган тижорат географияси, ундан кейинроқ яшаган нидерланд Х.Бос, швейцариялик Г.Бёшнинг жаҳон хўжалик географияси, америкалик олимлар У.Изард ҳамда В.Леонтъевнинг (келиб чиқиши Россиядан) ҳудудий иқтисод, француз Ф. Перрунинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда кутблар ва ҳудудий тенгсизлик назарияси, П.Хаггетнинг иқтисодий географияда (аникроғи - инсон географиясида) ҳудудий таҳлил, америкалик Ч.Гаррис ва французлар Ж. Божье Гарнье ҳамда Шаболар, швед Г.Александрсоннинг шаҳарлар географияси, АҚШ олими (аввал Буюкбританияда ишлаган) Д. Харвейнинг география фанининг умумназарий масалалари, унинг ватандоши Г.Уайтнинг табиий ресурслар ва табиий офатларга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Албатта, мустақил Ўзбекистоннинг бўлажак географ олимлари бу ва бошқа жаҳон фанига молик илмий ишлар билан таниш бўлишлари замон талабидир.

Биз юқорида фанимизнинг тарихий келиб чиқишига, унинг илмий асосларига, манбаларига қисқача тўхтаб ўтдик. Аммо бу ўринда, афсуски, маҳаллий алломаларнинг ишларини кўрсатишга ожизлик қилдик. Шубҳасизки, бизнинг ота-боболаримизнинг ҳам бу борадаги илмий мерослари ва хусусан, савдо географияси, деҳқончиликни жойлаштириш ва риволантириш, суғориш иншоатларини қуриш, ипак йўли ва шаҳарлар географиясига оид жуда кўп илмий мерослари бўлса керак. Эҳтимол, соҳибқирон бобокалонимиз. Амур Темур даврида, унинг жаҳон бўйлаб юришларида ҳарбий география ва статистика билан борлиқ масалалар ҳам ёритилгандир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носир Ҳисрав, Беруний,

Бехбуди, Фуркат, Аловутдин Али Кушчи каби донишмандларнинг ҳам бу борадаги хизматлари бўлса керак.

Иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишида географик жамиятларининг ташкил этилиши ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, бундай жамият дастлаб Парижда (1821 й.), сўнгра Берлин (1828 й.) ва Лондонда (1830 й.) таъсис этилган эди. Петербургда эса у 1845 йилда ташкил этилди. Россия география жамиятининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятида Б.П.Литке, П.П.Семенов - Тяньшанскийларнинг хизмати катта бўлган.

Бироқ бу ижтимоий ташкилотлар доирасида соф иқтисодий географик масалалар кам эди. Масалан, Россия География жамиятида 4 та бўлим мавжуд бўлган: табиий география; математик география ва картография; этнография, антропология ва тарихий география; статистика ва сиёсий иқтисод. Демак, Россияда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам ўтган асрда (хатто шўролар давригача) иқтисодий география айнан шу маънода ва ҳозирги мақомда вужудга келмаган. Иқтисодий географик маълумотлар статистика, умумий ва сиёсий географияда берилар эди. Аммо шунга қарамай, мазкур фаннинг шаклланишига тарихий ва назарий асос яратилган эди.

Иқтисодий география фанининг тарихий ривожланиши энг аввало шу фан номи билан юритиладиган кафедраларнинг очилишида ҳам ўз аксини топади. Жумладан, бундай кафедра биринчи марта Россияда, яъни Петербург политехника институтида. проф.В. Э.Ден томонидан 1902 йилда очилган эди. Кейинчалик бу киши - Россия иқтисодий географиясининг биринчи професори - шўролар даврининг дастлабки йилларида шундай кафедранинг Санкт-Петербург университетида ҳам ташкил қилган эди. Совет иқтисодий географиясининг асосчиси Н.Н.Баранский иқтисодий география кафедрасининг 1921 йилда Коммунистлар университетида очган. Бу ўринда эслатиб ўтамиз, Ўрта Осиёда бундай кафедра илк бор Тошкент давлат университетида 1940 йилда ташкил этилган эди. Бироқ шуни айтиш керакки, қуйида баён этилган фикр ва мулоҳазаларимиз қатъий эмас ва у мазкур масалани узил-кесил ҳал этилишини назарда тутмайди. Аксинча, бу муаммо ниҳоятда мураккаб бўлиб, кўпроқ мунозара ва мушоҳада қилишни талаб этади. Бу ўринда эса биз ўзимизнинг қисқача фикрларимиз билан чекланамиз холос.

Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг вужудга келишида асосан инглиз тижорат географияси, немис ва рус камерал статистикаси, рус харбий географияси тарихий манба сифатида хизмат қилди. Иккинчи навбатда бу борада инглиз сиёсий иқтисоди ; (унинг асосчиси 17-асрда яшаган В.Петти бўлган), немис "штандрт" назарияси ва америка худудий иқтисод илмий мактабларининг хизматлари ҳам сезиларли бўлган.

#### **4.4.Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география.**

Иқтисодий географиянинг **Ўзбекистонда** ривожланиши, унинг энг янги тарихи яқунланаётган асрнинг 20-йилларидан бошланади. Шу даврда нашр этилган иқтисодий география ва ҳудудий иқтисодиётига доир илмий ишлар кўпроқ Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг умумий таърифига бағишланган эди. Бу йўналишдаги тадқиқотларда энг аввало Г.Н.Черданцев ва В.М.Четиркинларнинг хизмати катта бўлган. Чунончи, Г.Н.Черданцевнинг 1922 йилда ёзган Ўрта Осиё хақидаги монографиясида ўлка иқтисодиёти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. У 1928 йилда Ўрта Осиё республикаларига бағишланган китобини ҳам чоп эттирган. Тахминан ана шу йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ва уни районлаштиришга бағишланган тадқиқотлар бошланган. Бу ишлар В.М.Четиркин ва Ю.И.Пославский томонларидан олиб борилган. В.М.Четиркин (у 1892 йилда Самарқандла туғилган) 1926 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши борасида китобини ёзган. Кейинчалик у ТошДУ иқтисодий география кафедраси мудири сифатида (1944—1948 йй.) қишлоқ хўжалигини районлаштириш, турли вилоятлар табиати ва хўжалигини ўрганиш, ёш географ олимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берган.

Иқтисодий географиянинг ривожланиши ўттизинчи йилларда табиий бойликларни ўрганиш буйича олиб борилган экспедициялар (сахро тадқиқотлари) ва илмий анжуманлар билан боғлиқ бўлган. Жумладан, бундай тадқиқотлар Қорақалпоғистонда ҳамда унинг Устюрт қисмида амалга оширилган, республикамиз ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мавзусида 1933 йилда дастлабки илмий анжуман ўтказилган.

Ўзбекистонда иқтисодий географиянинг ривожланишида Тошкент (Ўрта Осиё) Давлат университети—ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида шу номли биринчи кафедранинг ташкил этилиши ва бу кафедра қошида 1943 йилда аспирантуранинг очилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Кафедра ходимлари 50 — йиллар даги Фарғона водийси экспедициясининг ўтказилишида фаол қатнашишган. Бундай сахро тадқиқотлари, шунингдек Қашқадарё, Сурхон — Шеробод ва Зарафшон водийларида ҳам амалга оширилган, Тошкент шаҳри атрофлича ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, хусусан В.М.Четиркин ҳамда К.Н.Бедринцевларнинг ишларида районларнинг комплекс муаммоларини ўрганиш илмий йўналиши шаклланган. Айни пайтда олиб борилган сахро тадқиқотлари жараёнида Р.С.Лобач, З.М.Ақромов, Р.А.Ходиев, Т.Тоғимов, Т.Раимов, Э.Тошбеков каби қатор олимлар етишиб чиққан. Н.Г.Цапенко, В.М.Четиркин ва К.Н.Бедринцевлар билан биргаликда иқтисодий районлаштириш муаммолари устида иш олиб борган.

Махаллий миллат вакилларидан биринчи иқтисодий география буйича номзодлик диссертациясини З.М.Ақромов 1953 йилда ёқлаган. Ушбу диссертация асосида у киши Наманган вилоятининг иқтисодий географик таърифига бағишланган монографиясини нашр эттирган. Кейинчалик проф. З.М. Ақромов Бухоро ва Самарқанд вилоятлари қишлоқ хўжалиги, чўл, тоғ ва тоғолди районларини ўзлаштириш, иқтисодий районлаштириш каби муаммолар устида изланишлар олиб борган. У киши иқтисодий география

кафедрасининг мудирини (1970 — 1984 йй.) ва Ўзбекистон Республикаси География жамияти ҳамда Фанлар академияси қошидаги География бўлимида қатор фан номзодлари ва докторларини тайёрлашда самарали ишларни бажарган.

Иқтисодий география фанининг ривожланишида илмий анжуманлар ва чоп этилган китобларнинг аҳамияти салмоқли бўлган. Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларини табиий географик ва иқтисодий географик районлаштириш бўйича 1959, 1961, 1967 ва 1971 йилларда, аҳолишунослик муаммолари тўғрисида 1965, 1972 йилларда илмий анжуманлар ўтказилган. Шунингдек, урбанизация жараёнлари нуфузли илмий семинарларда (1973 ва 1975 йй.) муҳокама этилган. Бундай тадбирларни ташкил этишда З.М.Ақромов, М.К.қорахонов ва О.Б.Отамирзаевларнинг хизматлари катта бўлган. Кейинги йилларда Самарқанд (1984), Ангрэн (1987), Наманган (1989), Фарғона (1991), ва бошқа шаҳарларда ҳам иқтисодий ва социал географиянинг турли муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказилган. Республика География жамиятининг навбатдаги съезди 2000 йилда Самарқандда ўтказилди. Бу ўринда география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган ушбу жамиятнинг ахборотномаларини мунтазам равишда чоп этиб боришини алоҳида таъкидламоқ зарур (асосий ташкилотчилар З.Ақромов ва Ш.Азимов) Ўзбекистон республикаси тўғрисидаги географик китоблар 1950, 1953, 1956, 1963 йилларда нашр этирилган, энг сўнггиси 1982 йилда чиққан. Бу китобларни ёзишда ТошДУ география факультети олимлари фаол қатнашишган. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги маълумотлар Э.Ахмедов китобларида ҳам баён этилган. Шу билан бирга Ўрта ва олий мактаблар учун Ўзбекистон иқтисодий географиясидан дарсликлар ёзилган. Дастлабки Ўрта мактабларга оид дарслик Н.Г.Цапенко ва Н.В.Смирнов ҳаммуаллифлигида нашр этирилган. Кейинчалик бу мавзудаги китоб проф. З.М.Ақромовнинг П.Мусаев билан ҳамкорлигида яратиб келинмоқда. Олий мактаблар учун эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий географияси Г.Асанов, М.Набиқонов ва Э.Сафаровлар томонидан ёзилган. Г.Асанов аҳоли географияси ўқув қўлланмаси, социал—иқтисодий географиянинг изоҳли луғати ҳақида китоблар ҳам чоп қилдирган. Турли мавзуларга доир ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар Р.Ходиев, А.Солиев, А.Қаюмов, Х.Салимов, Ж.Холиқов, С.Боқиев ва бошқалар муаллифлигида ёзилган. Сурхандарё, Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари географияси тўғрисидаги ҳар хил ҳажмдаги асарлар яратилган (А.Рўзиев, О.Абдуллаев, И.Назаров, М.Янгибоев, Р.Қурбонниёзов). Ана шундай қилиб, ҳозирги кунда республикада иқтисодий ва социал географиясининг икки асосий йўналиши шаклланиган. Биринчи йўналиш — қишлоқ хўжалиги географияси бўлиб, у нисбатан олдинроқ вужудга келган. Агрогеографиянинг назарий масалалари, қишлоқ хўжалигини районлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тизимлари ва агросаноат мажмуалари юзасидан В.М.Четиркин, З.М.Ақромов, К.И.Лапкин, А.Рўзиев, К.Абирқулов, О.Абдуллаев, М.Юсупов, Е.Умаров, А.Содиқовлар тадқиқот олиб боришган. Янги ерлар-чўл ва тоғ

олди минтақаларни ўзлаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер сув захираларидан фойдаланиш, сув омборларини қуриш ва суғориш деҳқончилиги масалалари Р.Ходиев, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, С.Исломов, Э.Хошимов, Ш.Азимов, З.Золотарев, К.Қурбонов, Б.Шотурсунов, Т.Шотўраевларнинг ишларида ўрганилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик географияси мавзусида М.Ахмедов, М.Ёқубовларнинг ҳам номзодлик диссертациялари ёзилган. Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги Р.Усмонов, С.Боқиев, Х.Халилова ва Ж.Мусаевлар томонидан ёритилган боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича М.Махмудова, Х.Шосаидов, К.Гадоев, А.Холмирзаев, Қ. Аллановлар номзодлик диссертацияларини ёзишган, алоҳида районлар қишлоқ хўжалигига М.Валихонов (Қўқон воҳаси), И.Ишчонов (Хоразм воҳаси)ларнинг ишлари бағишланган. Иккинчи йўналиш -аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларнинг география ва демография муаммолари, шаҳарлар ва урбанизация жараёнининг регионал масалалари бўйича тадқиқотлар нисбатан тарихан кечроқ вужудга келган бўлсада, у кейинчалик жуда тез ривожланиб кетди. Ушбу йўналишнинг шаклланиши энг аввало Н.В.Смирнов фаолиятдан бошланган. Н.В.Смирнов ва Н.Г.Цапенко илмий раҳбарлигида республикамиз ва хусусан Фарғона водийси шаҳарлари бўйича кўплаб диплом ишлари бажарилган. Бунинг натижасида Н.В.Смирнов 1957 йилда Фарғона водийси шаҳарлари тўғрисидаги китобини нашр эттирган. Кейинчалик Ўзбекистон ва унинг айрим районлари — Қуйи Амударё, Тошкент ва Тошкент вилояти шаҳарлари ҳақида ҳам илмий асарлар яратилди. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати, оила демографияси, аҳолини башорат этиш каби муаммоларни ўрганиш айниқса М.К.Қорахонов раҳбарлигида ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона Илмий тадқиқот лабораторияси фаолияти билан боғлиқ бўлди. Ушбу йўналишнинг ривожланишида И.Муллажонов, Х.Салимов, Г.Асанов, О.Отамирзаев, М.Бўриеваларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Аҳоли ва меҳнат ресурлари Р.А.Убайдуллаева, А.Қаюмов, О.Эргашев, М.Янгибоев, И.Сафаров, Т.Жумаев, И.Атажанов, аҳоли миграцияси С.Н.Кононенко, Л.П.Максакова, Б.Махмудов аҳолининг табиий ҳаракати Р.Валиева, Н.Алиакбарова, М.Ўринова, А.Таниевлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон гарчи қишлоқ жойлар ва урбанизация жараёни нисбатан суст ривожланган мамлакат бўлсада, бу ерда шаҳар мавзуси анча олдинлаб кетган. Бу хусусда энг аввало Т.Раимовнинг хизмати катта бўлган; у киши О.Отамирзаев ва А.Солиев билан ҳамкорликда ("Ўрта Осиё учлиги") қатор мақолалар ёзишган. Шунингдек, шаҳар муаммолари Э.Тошбеков, Э.Ахмедов, Н.Файзиев, И.Инамов, Р.Тиллаев, А.Қаюмов, З.Раимжонов, Ш.Имомовлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Турли иқтисодий район ва вилоятлар шаҳарлари, шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг экологик муаммоларига Т.Маллабоев, Н.Маматкулов, Вей Синь, У.Султонов; Р.Ахмедов, Х.Турсунов, З.Абдалова, С.Зокировларнинг илмий ишларини бағишланган. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари айрим вилоятлар аҳоли географияси доирасида Р.Маҳамдалиев, М.Эрдонов,

М.Қодиров, Г.Ходжаева, З.Тожиева, Ш.Жумахоновлар томонидан ўрганилган., аҳоли жойлашувини бошқариш ва ижтимоий инфраструктура тўғрисида В.М.Ческидов ва В.Н.Смирновларнинг номзодлик диссертациялари ёзилган. Юқоридаги йўналишлардан ташқари иқтисодий ва социал географиянинг бошқа муаммолари ҳам озми —кўпми тадқиқ қилинган. Жумладан, фаннинг умумназарий масалалари, иқтисодий географиянинг асослари ва долзарб муаммолари З.Акрамов, О.Отамирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов, Ш.Азимовларнинг ишларида кўрилган. Саноат географияси, минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, саноат тугуни ва ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиши юзасидан Ш.Н.Зокиров, А.Жалилов, Р.Холматов, У.Содиқов, Х.Маматкулов, И.Тоиров, М.Гапиров, Ф.Обидов, С.Хайдаров, Б.Калонов, Ю.Ахмадалиев, Ю.Саломов, Л.Қаршибоева Л.Эрдоновлар тадқиқот олиб боришган. Алоҳида вилоят ва кичик ҳудудлар хўжалиги Ф.Мукминов, Э.Тоғаев ва бошқа мутахассислар фаолиятида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга республикада илк бор аҳолига хизмат кўрсатиш географияси буйича М.Назаров ва Г.Бекбулатова, фан ва илмий тадқиқотлар географиясига бид Х.Назарова, тиббиёт географияси юзасидан Н.Комиловлар ўзларининг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган,

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда иқтисодий ва социал географиянинг миллий ва регионал марказлари, илмий йўналиш ва мактаблар шаклланимоқда. Бундай марказ ва йўналишлар катта илмий салоҳиятига эга бўлган Тошкентдан ташқари Наманган, Термиз, Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларида ҳам вужудга келмоқда.

Иқтисодий ва социал географиянинг истиқболдаги ривожланиши ва вазифалари энг аввало Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақиллиги ва унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги долзарб муаммоларидан келиб чиқади. Масалан, иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатларга ўтиш шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, мамалакатни иқтисодий районлаштириш ва унинг минтақавий сиёсатини илмий жиҳатдан яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалик географиясини мулкчиликнинг турли шакллари ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш, қўшма ва кичик корхоналар, эркин иқтисодий минтақа, қурилиш, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар географиясини ўрганиш, республика ер —сув, минерал хом — ашё ва бошқа табиий ресурсларга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш, табиий офатлар географияси муҳим мавзулар ҳисобланади. Шунингдек, географлар мамлакатимизнинг ғалла (дон), нефт ва йўл мустақиллигига эришувидаги муаммоларнинг ечимига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Социал-иқтисодий муаммолар доирасида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркиби, турли йирикликдаги шаҳар ва шаҳар агломерациялари, урбанизация жараёнини ўрганиш, савдо, маркетинг, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси буйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги экологик масалалар, аҳоли миграцияси ва бошқа



мавзулар тадқиқ этилиши керак. Айни пайтда қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бу жойларда социал инфраструктура тизимини шакллантиришга оид тадқиқотларнинг аҳамияти ҳам катта.

Фанимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда ривожланиши ва унинг тўлақонли ижтимоий география мақомида шаклланишида социал муаммоларнинг худудий жиҳатларини ўрганиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Аҳолининг яшаш шароити ва тарзи, урф-одатлари, ҳулқ-атвор географияси, фан, рекреация, дин, тиббиёт ва жинойт географияси шулар жумласидандир. Бундай тадқиқотлар социология, психология, этнография, ҳуқуқшунослик ва демография фанлари қиррасида бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви, унинг жаҳон ҳамжамиятида суверен давлат сифатида ўзига муносиб ўрин олиши сиёсий географияга оид мавзуларни ҳам кун тартибига қўйди. Хусусан, мамалкатимизнинг хорижий давлатлар билан муносабати (геосиёсати), унинг ички маъмурий-худудий тузилмаси, миллий пойтахти-Тошкентнинг сиёсий функциялари ва дипломатик алоқалари, халқаро туризм, электорал (сайловлар) география каби муаммолар кенг ўрганилмоғи зарур. Шу билан бирга фан тарихи ва тарихий географияга доир тадқиқотларни ҳам олиб бориш, иқтисодий ва социал география фанининг назарий-услубий масалалари ҳамда ижтимоий экология бўйича изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

### **Назорат саволлари.**

1. Иқтисодий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети нима?
2. Фан таърифидаги ўзгаришлар нима билан боғлиқ.
3. Социал география ва ижтимоий география ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
4. Нотабиий географик фанларни қандай аташ маъқулроқ?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Т.: “Мухаррир” 2003.-Б. 212.
2. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари. Ўқув қўлланма. -Т., 2002.
3. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. -Т., 1999.
4. Чистобаев А.И., Шарыгин М.Д. Экономическая и социальная география. Л., 1990 .
5. Саушкин Ю.Г. Экономическая география: теория, методы, практика. - М., 1973.
6. Даманский Р. Экономическая география. Динамический аспект. Пер.с польского. – М., 2010.

## Интернет сайтлари:

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.catuzmu](http://www.catuzmu)
3. [www.natl.uz](http://www.natl.uz)
4. [www.nature.uz](http://www.nature.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.maik.ru](http://www.maik.ru)

## 5-мавзу: Табиатдан оқилона фойдаланишнинг глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммолари

### **РЕЖА:**

1. Иқтисодий географияда район тушунчаси.
2. Иқтисодий район, иқтисодий районлаштиришнинг принцип ва омиллари.

**Калит сўзлари:** район, иқтисодий район, районлаштириш, меркантилизм, фритредизм, акватория, ҳудудий меҳнат тақсимоти, районлаштириш принциплари, иқтисодий район ҳосил қилувчи омиллар, тармоқ-таркиб.

### 5.1. Иқтисодий географияда район тушунчаси.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиётнинг асосий омилдир. У ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим бир қисми ёки томони сифатида жамият, ижтимоий-сиёсий ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

Махсус илмий адабиётларда ҳудудий меҳнат тақсимоти тушунчасига ўхшаш яна бошқа иборалар ҳам мавжуд: географик меҳнат тақсимоти, регионал меҳнат тақсимоти, акваториал меҳнат тақсимоти ва ҳ.к. Уларнинг орасида жиддий фарқ йўқ ва, бинобарин, мазкур тушунчаларни маънодош сифатида қабул қилиш мумкин.

Дастлаб ҳудудий меҳнат тақсимоти таълимотини инглиз классик иқтисодчилари А.Смит ва Д.Рикардолар яратган. Улар **меркантилизмга** қарши очиқ, эркин савдо, яъни **фритредизм** ғоясини олдинга суришган. Бу ғоянинг асосий моҳияти ҳар бир мамлакат ёки минтақа ўзида нисбатан қулай ва арзон маҳсулотларни четга чиқариб, бу ерда ишлаб чиқариш харажатлари кўп ва қиммат маҳсулотларни сотиб олишдан, импорт қилишдан иборатдир. Бундай фикрлаш асосида мутлақ ва нисбий (қиёсий) қулайлик ёки афзаллик ётади. Худди шунга ўхшаш ғоя ишлаб чиқариш омиллари нуктаи назаридан швед иқтисодчилари Э.Хекшер ва Б.Олинлар томонидан ҳам яратилган. Бунинг маъноси ҳар бир мамлакат ўзида арзон омил маҳсулотини чиқариб, қиммат омил маҳсулотини четдан келтириш демакдир.

Кўриниб турибдики, меҳнат тақсимоти ҳар бир жойнинг ўзида қулай ва арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини англатади. Ихтисослашув эса яратилган маҳсулотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан

яхши, уни маҳаллий бозорларни қондирган ҳолда бошқа минтақавий, халқаро ва жаҳон бозорига чиқариш имкониятини назарда тутди. Айнан шу маънода ҳудудий меҳнат тақсимоти ташқи савдо юритишнинг асоси бўлиб хизмат қилади, савдо эса, иқтисодчилар фикрича, ҳар қандай бойликнинг яратувчисидир. Юқорида келтирилган илмий ғоялар бўйича бундай ҳудудий меҳнат тақсимоти, минтақалараро ва халқаро савдода ҳар икки томон ҳам ютади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти мамлакат ва районлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим кўрсаткичи, белгиси бўлиб ҳисобланади. У қай даражада кенг ташкил қилинган, диверсификациялаштирилган (яъни турланган) бўлса, мамлакат ҳам шунча ривожланган бўлади. Айни вақтда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланмаганлиги мамлакатда интенсив эмас, экстенсив иқтисодиёт йўналиши мавжудлиги, унинг ички салоҳиятидан тўла фойдаланмаслик ва ҳудуд иқтисодий зичлигининг пастлигини акс эттиради. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланмаган шароитда мамлакатнинг иқтисодий макони тўлалигича шаклланмайди, унинг геосиёсий ва иқтисодий хавфсизлиги таъминланмайди, иқтисодий ландшафти заиф ва кутбийлашмаган бўлади.

Авваллари, ҳудудий меҳнат тақсимотининг шаклланишида асосан ички омилларга, «Бутуниттифоқ, ёки умумиттифоқ» имтиёзларга урғу бериларди. Ҳозир эса бу жараёни энг аввало бозор қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш талаб этилади. Демак, ҳудудда фақат нима етиштириш қулайлиги эмас, балки яратилган маҳсулотнинг бозор талабига мослиги, сифати, харидорғирлиги, рақобатбардошлиги муҳимдир.

Албатта, «бозорбоп» маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ички имкониятлар, шарт-шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда ҳудуд-мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий фаоллиги юзага келмайди. Бу хусусда, авваламбор, табиий шароит ва табиий бойликларнинг аҳамияти катта. Бироқ, таъкидлаш жоизки, табиий бойликларнинг миқдори эмас, уларнинг турли-туманлиги ҳудудий меҳнат тақсимотини кенг ривожлантиришга имкон беради. Бинобарин, табиий бойликларнинг ҳудудий бирикмалари, мажмуалари мамлакатда хўжаликни ҳар томонлама ташкил қилишга сабабчи бўлади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишининг яна бошқа бир омили транспортдир. Зеро, транспорт иқтисодий муҳитнинг «қон томири», ҳаракатлантирувчи кучи, ташқи миқёсда эса маҳсулот айирбошлаш, савдо-сотик юргизишнинг асосий шартидир. Шунингдек, меҳнат тақсимотида ишчи кучи, мамлакатнинг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрни, экологик ҳолати, сиёсий барқарорлиги, фан-техника тараққиёти каби омиллар ҳам аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан маълум бўладиги, ҳудудий меҳнат тақсимотини амалга ошириш учун ҳам ташқи, ҳам ички шароитлар муҳим рол ўйнайди ва фақат бу икки томоннинг ўзаро мувофиқлашган ҳолатидагина у яхши иқтисодий самаралар беради. Шу билан бирга ҳудудий меҳнат тақсимоти маҳаллий ички ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш,

мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти, халқаро меҳнат тақсимотида фаол катнашиш мақсадлари ҳам бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Ўзаки қараганда, ҳудудий меҳнат тақсимоти ўз моҳиятига кўра мамлакат ёки жаҳон хўжалигини ҳудудий бўлақларга ажратади, регионлаштиради, чунки ҳудудлар ривожланиши, ихтисослашуви индивидуаллашади, «қўшнисида» ёки кўпгина бошқа жойларда ривожланмаган соҳаларга устувор аҳамият берилади. Аммо бундай тор даражада қараш масаланинг фақат бир томонини ифодалайди, холос. Сабаби-ҳудудий меҳнат тақсимоти мамлакат ва районлар хўжалигини ажратиш асосида уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларига, интеграция жараёнларига эришилади. Бу ҳар қандай тараққиётнинг қонуниятидир. Қолаверса, ҳудуд хўжаликлари тарқоқ, қовушмаган мамлакатда миллий иқтисодиёт бир бутун, ягона тизим шаклида бўлмайди. Халқаро миқёсда эса жаҳон хўжалиги ҳам вужудга келмайди.

Ҳудудий меҳнат тақсимотининг турли даражалари, босқичлари мавжуд. Уларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин: жаҳон миқёсидаги ҳамда давлатларнинг ички меҳнат тақсимоти. Ўз навбатида улар ҳам турли босқичларга бўлинади. Масалан, биринчи гуруҳда (1) жаҳон мамлакатлари ва халқаро, яъни алоҳида мамлакатлараро меҳнат тақсимоти ажратилади. Барча мамлакатлар орасидаги иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалик тизими ва бозорини вужудга келтиради, алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий интеграция жараёнлари эса йирик минтақалар иқтисодий ҳамкорлиги ва бозорларни шакллантиради.

Чунончи, 1957 йилда ташкил қилинган Умумий бозор ҳозирги кунда ўзининг таркибини мунтазам кўпайтириб бораётган, 15 мамлакатни бирлаштирувчи Европа Иттифоқи бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, даставвал 1967 йилда асос солинган Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг ҳудудий уюшмаси (АСЕАН, ҳозир у 10 давлатни бирлаштиради) ёки 1989 йилда таъсис этилган Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги, Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси ҳам шулар жумласидандир. Худди шундай ҳудудий-иқтисодий иттифоқ келажакда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ҳам шаклланиши мумкин.

***Давлат ичидаги (2) меҳнат тақсимоти қуйидаги босқичлардан ташкил топади:***

*2.1. Йирик иқтисодий районлараро меҳнат тақсимоти;*

*2.2. Вилоят ва бошқа турдаги маъмурий-ҳудудий бирликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти;*

*2.3. Вилоят ичидаги меҳнат тақсимоти;*

*2.4. Маҳаллий меҳнат тақсимоти.*

Бу даражадаги ҳудудий меҳнат тақсимотининг таркибий тузилиши мамлакатлар майдонининг катта-кичиклиги, ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ. Жумладан, собиқ Иттифоқ ва жаҳон социалистик тизимининг барҳам топиши ҳудудий меҳнат тақсимотининг барча босқичларига ўз таъсирини кўрсатди, социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар

(Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши), умумиттифоқ меҳнат тақсимоти йўқолди.

Сиёсий тизимнинг тубдан ўзгариши, иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришда марказлашган маъмурий-буйруқбозлик, социалистик режалаштириш тизимидан очик ва эркин бозор муносабатларига ўтиш ўзига хос, муваққат муаммоларни юзага келтирди. Масалан, собик иттифоқдош республикалар ўртасидаги (горизонтал) иқтисодий алоқаларнинг бузилиши оқибатида барча республикалар-янги мустақил давлатлар қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, бу муаммо юқори даражада ривожланган, саноатлашган республикаларда кескин намоён бўлди, чунки, бу ҳудудлардаги саноат, асосан оғир саноат тармоқлари кўп жиҳатдан ташқи (экзоген) омилларга боғлиқ. Қисман бундай қийинчиликларни Ўзбекистондаги йирик саноат марказларида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, ҳозирча Тошкентдаги йирик машинасозлик корхоналари, Чирчиқ, Ангрен саноатининг ривожланиш ҳолати унча яхши эмас.

Айни вақтда миллий ва минтақавий иқтисодиёт кўпроқ агросаноат мажмуаси билан боғлиқ бўлган ҳудудларда «Умумиттифоқ» меҳнат тақсимотининг йўқолиши катта муаммоларга олиб келмади. Сабаби бу жойларнинг хўжалиги асосан ички (эндоген) омилларга, маҳаллий табиий шароит, ишчи кучи, оддий технологияларга асосланган.

Сиёсий мустақилликка эришган мамлакатларда иқтисодий мустақилликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш уларнинг ичидаги меҳнат тақсимотини зарурият қилиб қўйди. Чунки, илгариги тизимда республикалар иқтисодий макони ички жиҳатдан турланмаган, асосан муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёки хом ашё базасига йўналтирилган эди. Натижада сиёсий мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш муаммоси энг долзарб бўлиб қолди. Иқтисодий мустақиллик эса макроиқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат (дон), йўл-транспорт тизимини жадал ривожлантириш, мамлакат ички салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, минтақаларнинг бозор муносабатларига тезроқ мослашуви, уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишни тақозо этади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий «йўлдоши» бўлган ихтисослашув натижасида иқтисодий районлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини ташкил қилади. Аммо ҳудудий таркиб фақат иқтисодий районлар тўридан иборат эмас, у маъмурий бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Барча фанларда бўлганидек, географиянинг ҳам бирламчи, ўзак тушунчаси мавжудки, усиз бу фан тўғрисида сўз юритиш асло мумкин эмас. Агар тарих фани учун давр, биология учун хужайра, химияда молекула тушунчалари ушбу фанлар учун энг муҳим ҳисобланса, географияда бундай вазифани район тушунчаси ўтайди.

"Район" сўзи француз тилидан олинган бўлсада (инглиз тилида у регион деб ҳам юритилади), у ҳозирги кунда ҳалқаро, яъни байнанминал мазмунга эга. Бинобарин, уни республика, парламент, конституция, ландшафт каби сўзлар қаторида бемалол ишлатиш мумкин ва катта хатолик бўлмайди. Хусусан, мазкур тушунчани айнан шу шаклда соф географик бирликлар маъносида

қўллаш зарур. Сабаби -уни маъмурий ҳудудларга тегишли бўлган "ноҳия" ёки "туман" кўринишига ўгириш балким мумкиндир, бироқ ҳақиқий географик районни, районлаштиришни географик туман, туманлаштириш шаклида татбиқ этиш ўта қулгили ва ноўриндир.

Хўш, район, шу жумладан иқтисодий район нима ва у қайси мақсадларда зарур? Мавзунинг туб моҳияти ҳам ана шунда. Район, агар ўта қисқа ва оммабоп (ҳаммабоп, географлар учунгина эмас, балки барча саводхон, оддий ҳудудий фикрлаш ва географик маданиятли кишилар учун) даражада таърифламоқчи бўлсак, уни умумий ўхшаш хусусиятлари билан ўз атрофидан ажралиб турувчи ҳудуднинг бир қисми сифатида талқин қилиш мумкин. Демак, район бу ҳудуд (ёки нисбатан каттарок ҳудуднинг бир бўлаги), ер юзи эса "гео" — дир. Бинобарин, районни албатта "географик район" дейишга катта эҳтиёж йўқ, зеро ногеографик районнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, бундай иборани қўллаш иқтисодий географлар учун шарт эмас. Шундай қилиб, ҳар қандай район — у географик райондир ва бу ерда ортиқча сўзга зарурият йўқлиги ҳаммага аён ва равшан бўлмоғи даркор. Масалан, Фарғона иқтисодий районини оладиган бўлсак, бу ерда "Фарғона" ҳам, "район" ҳам маълум ҳудуд, яъни географик маънони англатади. Шу боис, уни "Фарғона иқтисодий географик райони" шаклида талқин қилишга ҳеч зарурият бўлмаса керак.

Район тушунчаси ва унинг мазмун — моҳияти ҳозирги замон тизим-таркиб (система — структура) принципига ёки илмий дунёқараш ёндошувига ҳам мос келади. Чунки, район ўз навбатида райончалардан, улар эса яна нисбатан кичикроқ ҳудудий бирликлардан ташкил топади (худди "матрёшка" ўйинчоғидек). Кўриниб турибдики, район бу кўп босқичли, поғонасимон тушунчадир. Худди шундай, маълум бир ҳудудий ситема ўз таркибига эга, бу ҳам эса ўзидан кейинги поғонага нисбатан системадир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳудудий бирлик, агар у очик система шаклида кўрилса, ўзидан каттарок ҳудудга нисбатан таркиб (системача, кичикрок система) ва айни пайтда ўзининг ички тузилиши нуқтаи назардан яхлит системадир. Юқорида келтирилган мисол—Фарғона иқтисодий райони мустақил Ўзбекистан Республикаси миллий иқтисодиёти тизимида таркибий бирликдир. Шу билан бирга, у алоҳида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари (таркиб)лардан ташкил топган. Худди шундай, мазкур вилоятлар ҳам босқичсимон ҳудудий тузилмалардан иборат.

## **5.2.Иқтисодий районнинг таърифи.**

Иқтисодий районлар шаклланишининг ўзига хос тартиби ёки механизми мавжуд бўлиб, унинг илдизи ҳудудий меҳнат тақсимотига бориб тақалади. Ҳудудий меҳнат тақсимоти эса ижтимоий меҳнат тақсимотининг бир томони ва у моҳиятан иқтисодий географик жараённи англатади. Шундай қилиб, ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш оқибатида алоҳида жойларнинг муайян хўжалик соҳаларга ихтисослашуви. бир ҳудуднинг қолган ҳудудлардан ана шу жиҳатдан фарқланиши вужудга келади. Натижада мамлакат хўжалигининг ҳудудий

тузилмаси ва таркиби, геоиктисодий тизимнинг ички тафовутлари-аниққори иқтисодий районлар тўри шаклланади. Турли йўналишдаги иқтисодий районлар тури ва уларнинг ўзаро ҳудудий муносабати, жойлашуви, бизнинг фикримизча, иқтисодий географик вазият ёки ҳолатни юзага келтиради.

Иқтисодий географик жараён ҳудудий меҳнат тақсимоли узлуксиз, доимий бўлганлиги сабабли районлар тўри ва таркиби ҳам ўзгариб боради. Аммо хўжаликнинг ҳудудий таркиби унинг тармоқлар таркибига кўра бироз сусти ўзгарувчан бўлади. Шу билан бирга макроиктисодиётнинг (миллий иқтисодиётнинг) ҳудудий ва тармоқлар тузилмаси орасида мунтазам алоқадорлик мавжуд тармоқлар таркибидаги ўзгаришлар хўжаликнинг ҳудудий таркибига, яъни минтақавий иқтисодиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Иқтисодий районлаштириш маълум принцип ва омилларга асосланади. Улардан энг муҳимлари: хўжаликнинг ихтисослашуви ва комплекс (мажмуа шаклида) ривожланиши, ҳудудий яхлитлик ёки бирлик, географик ўрин, район ҳосил қилувчи марказ —турли йирикликдаги шаҳарларнинг мавжудлиги, ички транспорт ва бошқа инфраструктура элементларининг умумийлиги ва ҳоказо. Шу 4 қаторда маъмурий — ҳудудий бирликлар, уларнинг истиқбол ривожланиш муаммолари ва устувор йўналишлари ҳам эътиборга олинади.

Иқтисодий районлаштиришни икки хил амалга ошириш мумкин. Биринчисида — мамлакат майдони ва унинг маъмурий бирликлари турли миқдор ва катталиқдаги ҳудудларга ажратилади. Бунда районлар таркибига киритилмаган бирор жой, у ерда хўжалик объекти бор ёки йўқлигидан қатъий назар, четда қолмайди. Одатда, ўқув жараёнида ва мамлакатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда ана шу тартибдаги районлар назарда тутилади. Иккинчи хил районлаштириш эса кўпроқ илмий — тадқиқот ишларида ажратилиб, улар асосан соҳавий (тармоқ) хусусиятига эга бўлади. Бундай районлар таркибига фақат урганилаётган хўжалик соҳаси мавжуд бўлган жойлар киритилади, холос, қолган ҳудудлар эса "бўш" қолаверади. Масалан, Ангрэн-Олмалик тоғ-кон саноати ёки Қизилқумдаги қоракўлчилик шу тоифадаги районларга киради. Демак, иқтисодий районлар интеграл (умумий) ва тармоқ районларга бўлинади.

Шундай қилиб, иқтисодий районлар объектив географик борлиқ, асосий мақсад эса уларни тўғри ажрата олиш, аниқлашдан иборатдир. Ҳар қандай мамлакат доирасида иқтисодий районларнинг турли — туманлиги пировард натижада, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлигидан далолат беради ва айни пайтда бу — ички ҳудудий меҳнат тақсимоли, иқтисодий географик жараённинг чуқурлашувини акс эттиради. Мадомики иқтисодий районлар ҳар қандай мамлакатда (бу ерда унинг майдони, катта — кичиклиги муҳим аҳамиятга эга эмас) вужудга келар экан, мумкин бўлган мунозара ёки бахслар фақат уларнинг сони, таркиби ва чегаралари ҳақида бўлиши мумкин. Масалан, З.М.Ақромов ва П.М.Мусаев томонидан ёзилган "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси" ўқув дарслигида 8 та иқтисодий "ноҳиялар" ажратилган: Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Самарқанд,



Бухоро-Қизилқум, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қуйи Амударё (бирок, бу ўринда жуғрофия ўрнида география, ноҳия ўрнига район ибораларини қўллаш тўғривроқ бўлар эди).

Биз юқорида иқтисодий районлар тўри ва таркиби вақт давомида ўзгариб туришини таъкидлаган эдик. Шу йўсинда ёндошадиган бўлсак, шубҳасиз, муваққил Ўзбекистон Республикасининг миллий ва минтақавий иқтисодиётини муваққиллаш, мамлакатимизнинг ёкилғи-энергетика, дон (ғалла) ва йўл (транспорт) муваққиллигига эришувини жараёнида унинг иқтисодий районлари ҳам сон ва сифат жиҳатидан таъсир топиб бориши муваққилдир. Эҳтимол, Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини қурилиши оқибатида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўзаро иқтисодий ва географик жиҳатдан "яқинлашиб", ягона жанубий иқтисодий районни шаклланишига сабаб бўлиши ажаб эмас. Айни чоғда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари яна анъанавий Зарафшон иқтисодий районлари доирасида бирлаштирилиши мумкин (Солиев, "Истикбол" журнали, 1993, №1—2; Солиев, Султонов "Иқтисод ва ҳисобот" журнали, 1998, №8).

Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тuzилиши ва иқтисодий районлари ўртасида муайян алоқадорлик мавжуд. Шу билан бирга алоҳида вилоятлар ҳўжалиги ҳам иқтисодий район шаклида қўрилиши мумкин. Бирок, бундай тоифадаги бирликлар маъмурий — иқтисодий районлардир. Аслида улар мамлакатнинг геосиёсий тuzилмасини ташкил этади, ҳақиқий (реал) географик районлар эса унинг геоиқтисодий тuzилмасини акс эттиради. Баъзилар иқтисодий район ва районлаштиришни собиқ Иттифоқ, коммунистик ғоялар билан асосиз боғлайдилар ва шу боис ундан воз кечиш тарафдори бўлиб чиқадилар. Ҳақиқатда эса мутлақо бундай эмас; назарий ғоя ва концепциялар, агар улар чинаккам илмий бўлса, сиёсий мафкура билан бевосита боғлиқ эмас. Зеро фан, илмий тадқиқот натижалари миллат ва элатни билмайди, уларнинг оламшумул, байналминал аҳамияти ҳам ана шунда. Қолаверса, районлаштириш ғоялари фақат собиқ Совет даврида вужудга келмаган, улар ундан олдинроқ ҳам мавжуд эди. Ҳозирги кунда ҳам ҳар қандай мамлакат (ижтимоий тuzумидан қатъий назар) иқтисодий географик тавсифига бағишлаган китобни олинг, уларнинг барчасида иқтисодий районлар, ички тафовутлар банди албатта бор. Чунки мазкур бўлимсиз у тўлақонли, муваққил географик асар бўла олмайди.

Ҳатто собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган муваққил давлатлар, масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикасининг янги чиқарилган иқтисодий ва социал географияси дарсликларига ҳам районлар қисми киритилган. Чунки, иқтисодий географик таъриф икки қисмдан, яъни тармоқлар ва регионал баёнидан иборат бўлмори зарур. Қолаверса, ҳар қандай билим яхлитликни, бир бутунликни энг аввало алоҳида-алоҳида қисмларга, бўлақларга бўлиб ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо этади. Айни чоғда бу — гуруҳлаш ва классификация методига ҳам мос келади.

Боз устига, биз мамлакатда иқтисодий районларнинг шаклланишини эски "сарқит" эмас, балки суверен республикамизнинг кўзгуси деб эътироф этмоқчимиз. Зеро, агар илгари Ўзбекистон собиқ СССРнинг бир парчаси,

чеккаси бўлган бўлса, энди унинг ўзи бир дунё, улкан ва келажаги буюк давлатдир. Табиийки, бундан мустақил давлат ўзининг ички маъмурий ва геоиктисолий тузилмасига эга бўлиши шарт.

Тўғри, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик шароитида иқтисодий районларга бўлган аввалги муносабат — уларнинг социалистик режалаштириш ва бошқариш объекти сифатида қаралиши, планли ва пропорционал ривожланиши каби илгариги сиёсат ўз кучини тамомила йўқотди. Буларнинг ўрнига ҳозирги давр учун долзарб ва устувор аҳамиятга эга бўлган мамлакат доирасида ҳудудий меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш, ички иқтисодий интеграцион жараёнларни авж олдириш, мустақил давлатнинг минтақавий сиёсатини илмий асосда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга ўхшаш масалалар олдинга сурилмоқда. Худди корхона ёки тармоқлар сингари эркин — ҳудудий рақобат, ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг демократлашуви, бозор муносабатларига ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишни давлат томонидан бошқариб, тартибга солиб бориш, геоэкологик муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳим бўлиб келмоқда. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий районлар билан бир қаторда улардан йирикроқ бўлган иқтисодий минтақаларни ҳам шакллантириш зарурияти туғилади. Чунончи, республикамизда Марказий, Шарқий, Жануби-Ғарбий ва Шимоли-Ғарбий минтақаларни ажратиш мумкин (Россияда ана шундай йирик ҳудудий бирликлар "округ" деб аталмоқда), Мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини яратишда, унинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда иқтисодий районлаштириш илмий ва методологик асос сифатида хизмат қилади. Айни пайтда, районлаштириш география фанининг бош принципи ҳамдир; чунки мамлакат хўжалиги ҳудудий таркибини, унинг ички ранг — баранглигини фақат районлаштириш орқалигина чуқур ўрганиш мумкин. Бундан географик билим ва фикрлаш учун ўзга йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мамлакат ёки минтақалар хўжалигини фақат тармоқлар принципи асосида ўрганиш иқтисодий географик дунёқарашни қаноатлантирмайди; унда ички ҳудудий тафовутлар, бир жойнинг иккинчи жойдан фарқи унча сезилмайди. Бинобарин, иқтисодий география фанини (у ўқув предметигина эмас!) ўрганишда бу икки тамойилга — тармоқлар ва ҳудудий методларни уйғунлаштиришга катта урғу бермоқ зарур. Бироқ, бу иккиликда, шубҳасиз ҳудудий таркиб ва тузилма, районлаштириш аҳамиятлироқ бўлмоғи талаб этилади. Сабаби— аввалроқ қайд қилганимиздек, район, районлаштириш умуман география фанининг умуртка поғонаси, ўзаги, ибтидо ва интиҳосидир. Бундай оддий ҳақиқатни унутиш ёки уни тан олмаслик географияни камситиш, таҳқирлаш, уни фан мақомида инкор этиш билан баробардир.

### **Назорат саволлари:**

1. Район, ландшафт, регион тушунчаларини изоҳлаб беринг
2. Иқтисодий район ва иқтисодий районлаштиришнинг моҳияти нималардан

иборат?

3. Иқтисодий географик жараён ва иқтисодий географик вазият нима?

4. Минтақавий сиёсат ва иқтисодий районлаштириш алоқадорлигини тушунтириб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

7. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Т.: “Мухаррир” 2003.-Б. 212.
8. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари. Ўқув кўлланма. -Т., 2002.
9. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. -Т., 1999.
10. Чистобаев А.И., Шарыгин М.Д. Экономическая и социальная география. Л., 1990 .
11. Саушкин Ю.Г. Экономическая география: теория, методы, практика. - М., 1973.
12. Даманский Р. Экономическая география. Динамический аспект. Пер.с польского. – М., 2010.

#### **Интернет сайтлари:**

7. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
8. [www.catuzmu](http://www.catuzmu)
9. [www.natl.uz](http://www.natl.uz)
10. [www.nature.uz](http://www.nature.uz)
11. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
12. [www.maik.ru](http://www.maik.ru)

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот:

#### Табиий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмлари (2 соат)

**Ишдан мақсад:** табиий географиянинг объекти, предмети ва вазифалари. Географик қобик, географик муҳит, табиий географик комплекс, ландшафт, географик тизим, тушунчалари ва таълимотларининг шаклланиши. Геотизимларнинг уч даражаси: планетар, регионал ва топологик даражалари.

Табиий географик комплексларнинг кўламлари, катта-кичиклиги ва табиий географиянинг қисмларга бўлиниши. Умумий табиий география, регионал табиий география, ландшафтшунослик.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчилар табиий географиянинг фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаш ва қисмларини ўрганишлари лозим.

**Ишни бажариш учун вазифа:** географик фанлар тизими ва вужудга келган янги йўналишларини аниқлаш ва табиий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмларини ўрганиш.

### Назорат саволлари

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 2-амалий машғулот:

#### Табиий географияга оид муаммолар (2 соат)

**Ишдан мақсад:** умумий, регионал ва кичик ҳудудлар табиий географиясига оид муаммоларни аниқлаш. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш тажрибаларини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** табиий географик комплекслар ва уларнинг умумий хусусиятлари. Табиий географик районлаштириш регионал табиий географиянинг методологик масалаларидан бири эканлиги.

Табиий географик районлаштиришнинг хиллари, принциплари ва методлари. Генетик бирлилик, комплекслилик, ҳудудий умумийлик ва нисбатан бир хиллик принциплари. Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар тизими.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудини районлаштирган табиатшунослар олимлар (Берг, 1913; Аболин, 1929; Четиркин, 1943; Мурзаев, 1953; Макеев, 1956; Федорович, 1963; Бабушкин ва Когай 1964 ва бошқалар) нинг ишларини таҳлил қилиш.

### Назорат саволлари

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 3-амалий машғулот:

#### Инсон-табиат ўзаро алоқадорлиги масалалари (2 соат)

**Ишдан мақсад:** Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик жиҳатлари. Табиатдан оқилона фойдаланишнинг глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсата билиши керак.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географиясига тааллуқли муаммоли масалалар. Орол ва Оролбўйи муаммоси ва унга боғлиқ бўлган экологик масалалар. Антропоген чўлланиш муаммолари. Иқлим ўзгаришига боғлиқ ҳолда ландшафтларнинг тараққиёт йўналишларини аниқлаш ва прогнозлаш муаммолари.

#### Назорат саволлари

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 4-амалий машғулот:

#### 4-мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ҳозирги замон мазмуни, таркибий тузилиши ва вазифалари

**Ишдан мақсад:** Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг объекти ва предмети. Дастлабки иқтисодий географик билимларнинг шаклланиши. Буюк географик кашфиётлар ва иқтисодий география. Немис ва инглиз статистикаси, уларнинг иқтисодий география билан алоқаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёшларнинг илмий ғоялари ва иқтисодий география. М.В.Ломоносов, Н.Т.Татишевларнинг иқтисодий географик фикрларини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи иқтисодий ва ижтимоий география фанининг объекти ва предмети, таркибий тузилиши муаммоларини аниқлаш. глобал, регионал ва маҳаллий кўламдаги муаммоларини аниқлаш ва таркибий қисмларини таҳлил қилиш.

**Ишни бажариш учун вазифа:** географик фанлар тизими ва вужудга келган янги йўналишларини аниқлаш ва иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни ва қисмларини ўрганиш.

#### Назорат саволлари

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 5-амалий машғулот:

#### 5-мавзу: Худудий меҳнат тақсимоти муаммолари.

**Ишдан мақсад:** Худудий (географик) меҳнат тақсимоти билан муносабати. Худудий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув меҳнат тақсимотининг худудий даражаларини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи А. Смит ва Д.Рикордоларнинг халқаро меҳнат тақсимоти бўйича назарий фикрлари, меркантилизм ва фритредизм, Ўзбекистонда ҳудудий меҳнат тақсимотини ривожлантириш масалаларин таҳлил қилиш.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Халқаро миқёсда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ўзгариб бориши, индустриягача, индустриал ва постиндустриал давлатларни шаклланишини ўрганиш.

**Назорат саволлари**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **6-амалий машғулот:**

**Мавзу: Иқтисодий районлаштириш муаммолари**

**Ишдан мақсад:** Иқтисодий районлаштириш иқтисодий географиянинг асоси эканлиги ва иқтисодий районлаштиришнинг тамойил ва омиллари.

**Масаланинг қўйилиши:** Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва иқтисодий районлаштириш. Район ҳосил қилувчи ва районга хизмат қилувчи тармоқлар.

**Ишни бажариш учун вазифа:** А.Лёшнинг «иқтисодий ландшафтлари». Собиқ Иттифоқ даврида иқтисодий районлаштириш. Ўрта Осиё иқтисодий райони ва мустақиллик даврида юзага келган муаммолар. Н.Н.Колосовский, Н.Н.Баранский, З.М. Акрамовнинг иқтисодий районлаштириш бўйича назарий қарашлари.

**Назорат саволлари**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Кўчма машғулот**

**“Рельефли глобус” нинг географик билимларни ўрганишдаги ўрни**  
Проф.Х.Ҳасанов номидаги “Глобус” ўқув-методик хонасидаги “Рельефли глобус” билан таништирилади.

Машғулот Ўзбекистон Миллий университети геология ва география факультетида олиб борилади.

### **2-Кўчма машғулот**

**Замонавий деканат, кафедралар ва уларнинг тузилиши,  
жиҳозланиши**


Декан, унинг муовинларининг вазифалари, бажарадиган ишлари, хоналарда жойлаштирилдиган жиҳозлар тўғрисида сўз юритилади.

Машғулот Ўзбекистон Миллий университети геология ва география факультети деканатида олиб борилади.



## V. KEYSLAR BANKI

### 1-KEYS



Ушбу расмни изоҳланг ва фанларнинг ўрганиш объектини аниқланг




## 2-КЕЙС

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудини районлаштирган олимлар номи ва улар фойдаланган таксономик бирликлари

№	Муаллифнинг НОМИ	Йили	Таксономик бирликлари
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
...			

### 3-КЕЙС

Карта-схемаларни солиштиринг ва муаллифини аниқланг.



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни:

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари:

1. Географик фанлар тизимида табиий географиянинг ўрни ва унинг қисмлари
2. Табиий географик табақаланиш омиллари
3. Табиий географик табақаланишда иқлим ва оқимнинг роли
4. Табиий географик табақаланишда рельеф ва литологиянинг аҳамияти
5. Табиий географик табақаланишда неотектоник ҳаракатлар ва уларни билиш
6. Кенглик зоналлиги
7. Азонал табақаланиш ва унинг сабаблари
8. Табиий географик комплексларнинг баландлик бўйича табақаланиши
9. Интрононаллик
10. Табиий географик районлаштириш ва унинг назарий асослари
11. Табиий географик комплекслар уларнинг тузилиши ва хусусиятлари
12. Табиий географик районлаштириш типлари
13. Хусусий районлаштириш хиллари
14. Табиий географик районлаштиришнинг таксономик бирликлар системаси
15. Табиий географик районлаштиришнинг принциплари ва методлари
16. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш тажрибалари
17. Табиий географик ғояларнинг шаклланиш босқичлари
18. Табиий географик ғояларнинг XX асрнинг биринчи яримида шаклланиши
19. Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш (1960-2015 йй.)
20. Табиат ва жамият муносабатлари

21. Табиий географик прогнозлаштириш
22. Кичик хуудлар табиий географиясига оид муаммолар
23. Ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммолари
24. Регионал табиий географияга таалукли муаммолар
25. Антропоген ландшафтшунослик муаммолари
26. Инсон табиат ўзаро алоқадорлиги масалалари
27. Ландшафтшуносликдаги геохимёвий ва геофизикавий йўналишлар
28. Иқтисодий география фанининг вужудга келиш тарихи.
29. И. Тюненнинг қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ҳақидаги назарияси.
30. А. Вебернинг саноат штандорти.
31. В. Кристаллернинг «марказий ўринлар» ҳақидаги ғояси.
32. А. Лёш ва ишлаб чиқариш географияси.
33. Ф. Перрунинг ўсиш кутб ва марказлари ҳақидаги фикрлари.
34. Халқаро меҳнат тақсимоотида «қиёсий афзаллик».
35. Н.Н. Баранский ва Н.Н. Колосовский илмий мактаби.
36. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ривожланиши.
37. Иқтисодий районлаштириш тарихи.
38. Иқтисодий географиянинг ривожланиши йўналишлари.
39. Бозор иқтисодиёти ва иқтисодий география.
40. Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат.
41. Иқтисодий география ва амалиёт.
42. Социал-иқтисодий картография муаммолари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Ўзбекча термин	Инглизча термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
<b>Географик қобик</b> (ландшафт қобиғи)	<b>Geographical environment</b>	Ернинг литосфера, гидросфера, атмосфералар тутшиб ва бири-бирига таъсир этиб ҳосил қилган бир бутун қобиғи, инсон яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган муҳит.
<b>Гидросфера</b>	<b>Hydrosphere</b>	(юнонча <i>гидро</i> - сув, <i>сфера</i> - шар) - Ер шарининг океан ва денгизлар, дарё ва кўллар, қор ва музликлар, атмосферадаги сувлар ва ер ости сувларидан иборат сув қобиғи.
<b>Биогеография</b>	<b>Biogeography</b>	тирик организмлар (ўсимлик, ҳайвонлар, замбуруғлар, микроорганизмлар) жамоаси ва улар компонентлари (тур, уруғ, оила ва б.) нинг Ер юзида тарқалиши қонуниятларини ўрганувчи фан.
<b>Ландшафт</b>	<b>Landscape</b>	(немисча <i>ланд</i> - ер ва <i>шафт</i> - манзара) - табиий комплексларни умумлаштирувчи тушунча: геологик замини, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти сувлари режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган ҳудуд.
<b>Ландшафт компонентлари</b>	<b>Component a landscape</b>	ҳар бир жойдаги тоғ жинслари, рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, тупроқлар.
<b>Ландшафт қобиғи</b>	<b>Landscape cover</b>	- географик қобикнинг литосфера (Ер пўсти) гидросфера (сув қобиғи) ва тропосфера бевосита тутшиб турган нисбатан юққа марказий қисми. Л. қ. ҳозирги нураш пўстини, тупроқ-ўсимлик қопламини, барча тирик

		организмларни ва ҳавонинг ерга туташиб турган қуйи қисмини ўз ичига олади.
<b>Метод</b>	<b>Method</b>	(юн. <i>metodos</i> - билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) -воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули.
<b>География</b>	<b>Geography</b>	Ернинг географик қобиғи, унинг структура ва динамикаси, алоҳида компонентларини ҳудудлар бўйича ўзаро таъсири ва тақсимланишини ўрганадиган фанлар мажмуи.
<b>Геофизика</b>	<b>Geophysics</b>	Ернинг ички тузилишини, географик қобикларда (атмосфера, гидросфера, Ер пўсти, мантия, Ер ядросида) рўй берадиган жараёнларни ўрганувчи фанлар туркуми.
<b>Табиий география</b>	<b>Physical geography</b>	1) географик қобик табиатини ўрганувчи фан. Ер ҳақидаги фанлардан бири. Географик қобикнинг моддий таркиби, тузилиши, ривожланиши, ўзгариши, ҳудудий бўлинишини ўрганади; 2) табиий географик фанлар системасн. Бу системага умумий ер билими, ҳудудий табиий география, ландшафтшунослик, геоморфология, иқ-лимшунослик, океанография, музшунослик, музлоқшунослик, тупроқлар географияси, био география, фенология ва бошқа фанлар киради.
<b>Табиий ресурслар</b>	<b>Natural resources</b>	инсон хўжалик фаолиятида табиатдан оладиган барча

		бойликлар табиий ресурсларга киради.
<b>Геоэкология</b>	<b>Geoecology</b>	экологиянинг юқори босқичдаги экосистемаларни, (геосистемаларни) шу жумладан биосферани ҳам тадқиқ этувчи бўлими. Геоэкологияни ландшафт экологияси, биогеоценология деб ҳам юритилади.
<b>Антропоген ландшафт</b>	<b>Anthropogenous landscape</b>	Инсон фаолияти таъсирида ўзгарган табиий ландшафт
<b>Атмосфера</b>	<b>Atmosphere</b>	[юн. atmos – буғ ва sphere –шар] – ер ва бошқа фазовий жисмларнинг газсимон қобиғи. Ер юзасида у асосан азот (78,08%), кислород (20,95%), аргон (0,93%) сув бут (0,2–2,6%), карбонат ангидрид газидан (0,03%) ташкил топган.
<b>Геосфера</b>	<b>Geosphere</b>	Ерни ташкил этган концентрик қобиклар. Ернинг устидан марказига томон атмосфера, гидросфера, Ер пўсти, мантия, ядро геосфералари ажратилади. Ички ва ташқи геосфера фарқ қилинади. Ташқи геосфера атмосфера ва гидросфера, ички геосфера Ер пўсти, мантия ва ядродан иборат.
<b>Криосфера</b>	<b>Cryosphere</b>	Ер юзасининг атмосфера, гидросфера ва литосфера ўзаро тутшиб турган ҳамда музлар бўлган ва муз ҳосил бўладиган совуқ қобиғи.
<b>Хионосфера</b>	<b>Hionosfera</b>	тропосферанинг қор ва муз тўпланиши мумкин бўлган қатлами. Шартли тушунча, чунки тропосферанинг бу қатламида қор тўпланишига шароит (илиқ ўлкаларда баланд тоғлар) мавжуд бўлсагина тўпланади. Хионосфера қутблар атрофида ер юзасида пастда жойлашган.

<b>Антропоген омиллар</b>	<b>Anthropogenic factors</b>	муҳитнинг антропоген омиллари - одам ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсимлик, ҳайвон ва бошқа табиат компонентларига таъсири билан боғлиқ омиллар гуруҳи.
<b>Biotik omillar</b>	<b>Biotic factors</b>	муҳитнинг биотик омиллари - бир ёки ҳар хил турга мансуб ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг организмларга таъсири мажмуи.
<b>Нураш</b>	<b>Weathering</b>	тоғ жинсларининг ҳаво, сув, муз ҳароратининг ўзгариб туриши, организмлар таъсирида парчаланиб увоклашиши ҳамда кимёвий таркибининг ўзгариши жараёни.
<b>Табиат</b>	<b>Nature</b>	кишиларнинг моддий ва маънавий талабларини қондириш манбайи. Табиат деганда кўпинча оламнинг, моддий дунёнинг бир қисми тушунилади.
<b>Географик (атроф) муҳит</b>	<b>Geographical environment</b>	табиатнинг одамни ўраб олган, инсон жамияти билан бевосита ўзаро таъсир ва алоқада бўлиб турадиган, яъни Ернинг одам ҳаёти билан жуда яқиндан боғланган қисми.
<b>Аҳоли</b>	<b>Population</b>	Ер юзиде ёки унинг муайян худуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарида истиқомат қилувчи одам (инсон) лар мажмуи.
<b>Маданий ландшафт</b>	<b>Cultural landscape</b>	муайян мақсад билан (биологик ҳосилни ошириш; рекреация, аҳоли турар жойларини бунёд этиш ва ҳ. к.) илмий асосда ва инсонлар манфаатини кўзлаб оқилона ўзгартирилган ландшафтлар.



## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида. Тошкент ш., 1992 йил 9 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1993 йил 6 май.

9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида. Тошкент ш., 2004 йил 3 декабрь.

10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1997 йил 26 декабрь.

11. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. Тошкент ш., 1997 йил 26 декабрь.

### **II. Махсус адабиётлар.**

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР // Труды ТашГУ, нов.пр., географ. науки, кн. 27. – Ташкент, 1964. – вып. 231. – 266 с.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
3. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. –Т.: Ўқитувчи, 2002.
4. Goudie A. Physische Geographie. Germany. 2002.
5. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. Тошкент, - Университет, 1994.
6. Зокиров Ш.С. Кичик худудлар табиий географияси. Тошкент, - Университет, 1999.
7. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. Т.: Turon zamin ziyo, 2016.
8. Zokirov Sh.S., Ibragimova R.A. Orol tabiiy geografik okrugi. Monografiya. Т.: Mumtoz so'z. – 2015.
9. Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. 2007.
10. World Regional Geography (This text was adapted by The Saylor Foundation under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike 3.0 License without attribution as requested by the work's original creator or licensee).[www.saylor.org/books](http://www.saylor.org/books).
11. Gulomov P.N. Inson va tabiat. Toshkent, 2009.

### **Интернет ресурслар**

1. [www.saylor.org/books](http://www.saylor.org/books).